

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**12-сон**  
**(980)**  
**2021 йил**  
**март**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

121. «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ-6191-сон Фармони
122. «Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги ПФ-6195-сон Фармони
123. «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон Фармони
124. «Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тад-

- бирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПҚ–5033-сон қарори
125. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПҚ–5035-сон қарори
126. «Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги ПҚ–5038-сон қарори
127. «Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ–5039-сон қарори
128. «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ–5040-сон қарори
129. «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартдаги ПҚ–5041-сон қарори

### Бешинчи бўлим

130. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 25 февралдаги 2-сон «Асосий дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 23 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3289*)
131. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 11-сон, 2021 йил 22 февралдаги 143-сон «Аҳолига қонун ҳужжатларига мувофиқ бепул тиббий ёрдам кўрсатаётган стационар даволаш муассасалари учун дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 23 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1487-1*)
132. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 25 февралдаги 3/4-сон «Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3281-1*)
133. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил

- 25 февралдаги 01-02/8-11-сон «Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартиби, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 925-5*)
134. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 24 февралдаги 3/3-сон «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1126-6*)
135. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 25 февралдаги 01-02/8-10-сон «Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва (ёки) божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3290*)
136. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2021 йил 25 февралдаги 63-сон «Консуллик йиғимлари тарифини АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2264-1*)
137. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2021 йил 25 февралдаги 62-сон, 2021 йил 16 февралдаги 9-сон «Консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни қоплаш учун йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1273-1*)
138. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2021 йил 25 февралдаги 61-сон, 2021 йил 16 февралдаги 10-сон «Консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан фойдаланиш ҳамда консуллик йиғимлари тарифини АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш тартиби тўғри-

сидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3291*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# 121 Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Сўнги йилларда аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизими ислох қилиниб, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, айрим турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди, маъмурий тартиб-таомиллардан ўтиш муддатлари сезиларли равишда қисқартирилди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган бир қатор маълумотномалар бекор қилинди.

Шу билан бирга, давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа давлат ташкилотларида эскирган бюрократик тартиботлар, шу жумладан электрон тизим орқали олиш имконияти мавжуд бўлган маълумотларни қоғоз кўринишида сўраб олиш, иш фаолиятини ташкил этиш учун муҳим бўлмаган ҳужжатларни талаб қилиш натижасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини овора қилиш амалиёти сақланиб қолмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва давлат хизматларини кўрсатишда бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, эскирган, замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни тубдан қисқартириш мақсадида:

1. 2021 йил 1 июндан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш экстерриториал тамойил асосида амалга оширилади;

нотариал ҳаракатларни амалга оширишда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боғлиқ барча маълумотлар нотариал идоралар томо-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 мартда эълон қилинган.

нидан мустақил равишда, фуқаролардан ортиқча маълумот талаб қилмасдан, «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали олинади;

тадбиркорлик субъекти бўлган юридик шахсларга давлат хизматларидан фойдаланиш учун белгиланган йиғим ва давлат божи тўловларини тўлашда уларнинг вакили томонидан нақд пул шаклида тўловни амалга оширишга рухсат берилади;

хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхона ходимини аккредитация қилишда унда одамнинг иммунитет танқислиги вируси касаллиги йўқлиги тўғрисидаги сертификатни талаб қилиш амалиёти бекор қилинади;

давлат хизматлари марказлари орқали хизматлардан фойдаланишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ортиқча тўланган тўловлар, шунингдек, давлат хизматини тезлаштирилган тартибда кўрсатиш учун қўшимча тўланган йиғимлар суммаси (тезлаштирилган тартибда кўрсатилмаган тақдирда) соддалаштирилган тартибда Давлат хизматлари агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир иш куни ичида қайтарилади. Бунда қайтариб берилган маблағлар Агентлик томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан регресс тартибида ундириб олинади;

давлат хизматини кўрсатиш натижасида бериладиган хужжатлар QR-код (матрик штрихли код) қўйиш орқали берилганда уларнинг дубликатларини бериш тартиби бекор қилинади. Бунда, ушбу хужжатлар электрон шаклда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали чекланмаган миқдорда бепул олинади.

## 2. Қуйидагилар:

Айрим турдаги маълумотлар ва электрон кўринишдаги хужжатларни «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформасидан фойдаланган ҳолда бериш учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати 1-иловага\* мувофиқ;

2021 йил 1 майдан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хоҳишига кўра кўрсатилган давлат хизматининг натижаси почта алоқаси орқали етказиладиган давлат хизматлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Айрим турдаги давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва оптималлаштириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаров мазкур Фармонга 1-иловада кўрсатилган вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 майга қадар ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда уларнинг идоравий ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларида мавжуд ва давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ахборот ва маълумотларнинг «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилинишини таъминласин.

Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаров ҳамда вазирлик ва идоралар

---

\* 1, 3-иловалар «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

раҳбарлари зиммасига электрон маълумот базаларини ўз вақтида ва сифатли шаклантириш, маълумотларни рақамлаштириш, маълумотлар ҳамда электрон кўринишдаги ҳужжатларни муддатида бериш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Белгилансинки, 2021 йил 1 июндан бошлаб давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан аҳолидан, шу жумладан тадбиркорлик субъектларидан:

а) қуйидаги фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни:

руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги;

наркология бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги;

судланганлик;

манзил-маълумот ахбороти;

фуқаронинг номида шахсий уй-жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

турар жойнинг майдони;

солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилганлиги;

пенсия ва нафақа миқдори;

пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

никоҳ қайд этилганлиги, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги;

б) қуйидаги ҳужжатларни:

шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

шахсининг белгиланган шаклдаги фотосурати;

тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг маълумотномалари;

меҳнат дафтарчалари ва уларнинг нусхалари (фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида ушбу ҳужжатни «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сўраш бундан мустасно);

иш ҳақи ва иш стажини, олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқловчи архив маълумотномалари (фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида ушбу ҳужжатни «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сўраш бундан мустасно);

кадастр ҳужжатлари ва уларнинг нусхаларини талаб қилиш бекор қилинади.

Бунда, давлат органлари ва ташкилотлари жисмоний шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда, ишга қабул қилиш жараёнида ва бошқа маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда мазкур бандда назарда тутилган ҳужжат ва маълумотларни ушбу Фармонга 1-иловада белгиланган масъул давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда, шу жумладан «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олади.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳужжат ёки маълумотларнинг давлат орган-

лари ва ташкилотлари томонидан аҳолидан талаб қилиниши давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш деб ҳисоблансин.

5. Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

2021 йил 1 майдан бошлаб хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун ариза-анкетани ва давлат божи тўловини электрон тарзда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш имконини яратиш;

2021 йил 1 июндан бошлаб 16 ёшга тўлган шахсларга идентификация ID-карталари бериш уларни давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш ҳамда фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш билан бир вақтнинг ўзида амалга ошириш тизимини жорий этиш;

2021 йил 1 июлдан бошлаб солиқ органларида солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамидан фойдаланган ҳолда амалга оширишга ўтиш. Бунда, солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш ва фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш бекор қилинади.

Белгилаб қўйилсинки:

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами барча давлат, банк, ижтимоий ва бошқа хизматларни кўрсатишда фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ягона идентификатор ҳисобланади;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларни идентификация қиладиган алоҳида рақамларни юритиш тақиқланади.

6. Давлат солиқ қўмитаси Давлат персоналлаштириш маркази ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июлга қадар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мавжуд солиқ тўловчининг идентификация рақамини уларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами билан ўзаро боғлаш ишларини яқунласин;

солиқ тўловчининг идентификация рақами мавжуд бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами орқали солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилишини таъминласин.

7. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 июндан бошлаб:

Агентлик юридик шахсларни (нодавлат нотижорат ташкилотлари, банклар ва кредит бюроларидан ташқари) давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ягона ваколатли орган ҳисобланади;

давлат органлари ва ташкилотлари, юридик шахслар бирлашмалари, боғдорчилик-узумчилик ширкатлари, матлубот, ишлаб чиқариш ва қишлоқ



хўжалиги кооперативлари ҳамда адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш давлат хизматлари марказлари томонидан амалга оширилади.

8. Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат персоналлаштириш маркази ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 2021 йил 1 майга қадар ўзларининг ахборот тизимларини «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимига интеграция қилишни таъминласин. Бунда, жисмоний шахснинг ўлими қайд қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида:

Ички ишлар вазирлиги — вафот этган шахснинг фуқаролик паспорти ёки ID-картаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатлари, ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳисобдан чиқарилишини, агар фуқаро кидирувда бўлса, кидирув ва жиноят-процессуал ишларига (ҳужжатларига) тегишли маълумотлар киритилишини;

Мудофаа вазирлиги — вафот этган шахс ҳарбий рўйхатдан чиқарилишини;

Ташқи ишлар вазирлиги — вафот этган чет эл фуқаролари ва чет элда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар бўйича тегишли хорижий давлатга ёки унинг Ўзбекистондаги ваколатхонасига хабар берилишини;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги — вафот этган шахс ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилишини;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги — вафот этган шахс «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси ҳисобидан чиқарилишини;

Давлат солиқ қўмитаси — солиқ қарзи мавжуд бўлмаган вафот этган шахс солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан чиқарилишини;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси — вафот этган шахснинг дафн маросими учун бир марталик нафақа тайинланишини ва унга бошқа турдаги пенсия ва нафақалар ҳисобланиши тўхтатилишини;

Давлат хизматлари агентлиги — вафот этган якка тартибдаги тадбиркорнинг Тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестрида фаолияти тугатилган мақомига ўтказилишини таъминласин.

2021 йил 1 майдан бошлаб ФХДЁ органларининг ушбу бандда белги-ланган органларга жисмоний шахснинг ўлими қайд қилинганлиги ҳақидаги маълумотни тақдим этиш мажбурияти бекор қилинсин.

9. 2021 йил 1 июндан бошлаб:

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан давлат статистика органларига далолатнома ёзувларининг нусхаларини юбориш ва ҳисоботларни топшириш амалиёти бекор қилинсин. Бунда, давлат статистика органлари «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими-га ўзларининг электрон тизимларини интеграция қилган ҳолда ушбу маълумотларни реал вақт режимида олади ва статистик ҳисоботларни шакл-лантиради;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотларни Агентлик ва давлат хизматлари марказларидан сўраш тўхтатилсин. Бунда, мазкур ташкилотлар тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотларни Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимидан мустақил равишда олади.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

мазкур Фармонга 1-иловада назарда тутилган давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда икки ой муддатда уларнинг «Электрон хуқуқмат» тизими идоралараро интеграциялашув платформасига уланишини ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотларига мазкур тизимдан фойдаланиш имкони яратилишини таъминласин;

уч ой муддатда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларидан фойдаланишда ариза-сўровномаларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талабини бекор қилиш ҳамда идентификация қилишнинг замонавий воситаларини жорий қилиш орқали фойдаланувчиларга тизимга кириш ва ундан фойдаланиш учун қулай имкониятларни яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Адлия вазирлиги:

Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда фуқаролар томонидан ортиқча тўланган тўловлар, ваколатли идоралар томонидан ўз вақтида кўриб чиқилмаган ҳамда рад этилган мурожаатлар бўйича, шунингдек, тезлаштирилган тартибда давлат хизмати кўрсатилмаганлиги учун қўшимча ундирилган йиғимлар суммасини соддалаштирилган тартибда қайтариш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

айрим турдаги давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва оптималлаштириш бўйича «Йўл харитаси»нинг ижроси бўйича барча зарур чоралар кўрилишини, мазкур Фармоннинг ўз вақтида ижро этилишида масъул ташкилотларга ҳар томонлама услубий ва амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласин, шунингдек, ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига унинг амалга оширилиши жараёни тўғрисида батафсил маълумот тақдим этсин.

12. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

13. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаров, адлия вазир Р.К. Давлетов ҳамда Давлат хизматлари агентлиги директори У.И. Муҳаммадиев белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июль ва 2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 23 март,  
ПФ-6191-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 23 мартдаги  
ПФ-6191-сон Фармонида  
2-ИЛОВА

**2021 йил 1 майдан фуқаролар ва тадбиркорлик  
субъектларининг хоҳишига кўра кўрсатилган давлат  
хизматининг натижаси почта алоқаси орқали  
етказиладиган давлат хизматлари  
РЎЙХАТИ\***

1. Судлардан чиқадиган расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш.
2. Таълим ва фан соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш.
3. Таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат дубликатини тақдим этиш.
4. Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта, олий таълим олганлик тўғрисида ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш.
5. Хорижий давлатларда илмий даража олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш.
6. Ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда имтиёзли даволаниши учун йўлланмалар бериш.
7. Хайдовчилик гувоҳномасини бериш, алмаштириш ва йўқолганлари ўрнига янгисини бериш.
8. Одамнинг иммунитет танқислиги вируси мавжуд эмаслиги тўғрисида сертификат бериш.
9. Автомототранспорт воситалари ва тиркамаларга (ярим тиркамаларга) рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш ва қайд этиш гувоҳномасини бериш.
10. Автомототранспорт воситалари ва тиркамаларга (ярим тиркамаларга) транзит рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгисини бериш.

11. Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш учун йўлланма бериш.
12. Қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказадиган шахсларни аккредитация қилиш.
13. Мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери бериш.
14. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва реестрдан кўчирма бериш.
15. Ипотека ҳамда бинолар ва иншоотларга бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш.
16. Кадастр ишини тайёрлаш ва кўчмас мулк объектларига кадастр паспортини расмийлаштириш.
17. Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) тўғрисидаги келишувни давлат рўйхатидан ўтказиш ва реестрдан кўчирма бериш.
18. Ихтирога патент бериш.
19. Фойдали моделга патент бериш.
20. Саноат намунасига патент бериш.
21. Селекция ютуғига патент бериш.
22. Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш.
23. Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш.
24. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига доир гувоҳнома бериш.
25. Муҳтож шахсларга протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар етказиб бериш.
26. Кекса ва ногиронлиги бўлган шахсни ёлғиз яшайдиган ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этиш.
27. Фуқаролик ҳолатини қайд этиш ҳужжатларини бериш.
28. Имтиёзли тоифага кирувчи беморларга ордер бериш.

*\* Давлат хизматларининг натижаси почта алоқаси орқали етказилганда почта хизматлари учун амалга ошириладиган тўловлар давлат хизматидан фойдаланувчи ҳисобидан амалга оширилади.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**122 Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида\***

Сўнги йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, охириги тўрт йилда 27 та тиббий-ижтимоий муассасаларда 267,2 миллиард сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди ва замонавий талабларга мос бўлган 1 327 та ўринлар фойдаланишга топширилди.

Санаторийларда соғломлаштирилган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар сони 43 минг нафарни ташкил этиб, 20 фоизга ортди, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга бепул тақдим этиладиган асосий озиқ-овқат ва гигиена воситалари сони 15 тадан 19 тагача оширилди, ногиронлиги бўлган шахсларга бепул бериладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг рўйхати 22 турдан 27 тагача кўпайтирилди.

Одам савдосидан жабрланган 1 024 нафар фуқарога тиббий-ижтимоий реабилитация ва психологик қўллаб-қувватлаш чоралари кўрсатилди.

Шу билан бирга, тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятидаги камчилик ва муаммолар кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни самарали ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

биринчидан, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларида давлат қаромоғига олинган шахсларга тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишни самарали бошқариш тизими етарлича шакллантирилмаган;

иккинчидан, ногиронликнинг олдини олиш ва тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати сифати лозим даражада эмас;

учинчидан, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга қулай шароитлар яратиш бўйича тиббий-ижтимоий муассасалар моддий-техника базаси ҳолатида бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда;

тўртинчидан, тиббий-ижтимоий муассасалар ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермайди;

бешинчидан, тиббий-ижтимоий муассасаларда маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар тизимли ташкил этилмаган;

олтинчидан, одам савдосидан жабрланганларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари ва психологик қўллаб-қувватлаш сифати етарли даражада эмас.

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан ижти-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 мартда эълон қилинган.

мой қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя ва тиббий-ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этиш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилсин.

2. Белгилансинки:

Агентлик кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Агентлик ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди ва ҳисобот беради;

Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

3. Қуйидагилар Агентлик тизимига ўтказилсин:

а) «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳудудий реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторий ва пансионатлар, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация маркази;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси.

4. Қуйидагилар:

а) Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг, жумладан, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларининг кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга услубий раҳбарлик қилиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация қилиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказилишини ҳамда мутахассислар тайёрланишини ташкил этиш;

муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш фаолиятини ташкил этиш;

тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг самарадорлигини илғор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида таҳлил қилиш ва мониторинг қилиб бориш;

тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш;

одам савдосидан жабрланганларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ва психологик қўллаб-қувватлаш тизимини мувофиқлаштириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини ташкил этиш;

б) «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлариининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни соғломлаштириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан болаларни ижтимоий мослаштириш, уларга ўз қизиқишларидан келиб чиқиб касб-хунар ўргатиш;

дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш тизимининг юқори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили икки марта диспансеризациядан ўтказиш, санаторийларда режали соғломлаштириш ва ихтисослаштирилган стационарларда даволашни ташкил қилиш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари (эшитиш аппаратлари, ногиронлар арава-чалари, ҳасса ва қўлтиқтаёқлар, юриш мосламалари), шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни мунтазам такомиллаштириб бориш;

маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар, шу жумладан концерт дастурлари ташкил этиш орқали кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг юртимиздаги диққатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳларга ташрифларини ташкил этиш;

таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокида маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш орқали ёшларни кексаларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш;

в) Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

одам савдосидан жабрланганларни қулай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек, озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий мослаштириш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор методикаларини ўрганиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

одам савдосидан жабрланганларга ўз қизиқишларидан келиб чиқиб касб-хунар ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда кенг миқёсда огоҳлантириш-профилактика ишларини ташкил қилиш;

одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишда кўмаклашиш.

#### 5. Қўйидагилар:

тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати сифатини ошириш, уларда маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни тизимли равишда ташкил этиш, тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимида «аутсорсинг» асосида хусусий секторни жалб қилиш, тизим ходимларининг малака ва касб маҳоратини ошириш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришни назарда тутувчи Давлат томонидан кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага\* мувофиқ;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан, 35 та муассасада 428 миллиард сўмлик қурилиш-реконструкция ишларини олиб бориш ва уларни 40 миллиард сўмлик жиҳозлар ва техника билан таъминлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этишни назарда тутувчи Тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари «йўл хариталари»да белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

#### 6. 2021 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатининг:

раҳбар ва шифокорлар ойлик лавозим маоши 1,5 баробарга;

ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари ойлик лавозим маоши 2 баробарга;

бошқа барча ходимлар ойлик лавозим маоши 1,2 баробарга;

б) Агентлик марказий аппарати ходимларининг ойлик лавозим маоши 1,5 баробарга, унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси марказий аппарати ва унинг ҳудудий комиссиялари ходимлари ойлик лавозим маоши 1,2 баробарга;

в) «Саховат» интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида яшовчи ёлғиз пенсионерларга шахсий сарф-харажатлари учун камида тўланадиган ойлик пенсия миқдори 10 фоиздан 20 фоизгача оширилсин.

#### 7. Молия вазирлиги Агентлик билан биргаликда:

а) уч ой муддатда «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари, Уруш ва

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, Агентлик марказий аппарати, унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси марказий аппарати, унинг ҳудудий комиссиялари ходимларининг ойлик лавозим маоши миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар учун 2021 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча маблағ ажратиш учун «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин ҳамда 2022 йил Давлат бюджетини шакллантиришда мазкур харажатларни инобатга олсин;

б) «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг озиқ-овқат, шахсий гигиена ва дори воситалари таъминоти учун ажратиладиган маблағ миқдорини 2022 — 2024 йилларда босқичма-босқич ошириш, шунингдек, 2021 йилда маҳаллий бюджетдан қўшимча маблағ ажратиш ҳисобига «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни шахсий гигиена воситалари билан тўлиқ таъминлашни молиялаштириш чораларини кўрсин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги Агентлик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича «йўл харитаси»да янгидан қуриш ва реконструкция қилиш назарда тутилган объектларни 2022 йил ва ундан кейинги йиллар учун шакллантириладиган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш чораларини кўрсин.

Бунда тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш бўйича тайёрланадиган лойиҳа-смета ҳужжатларида муассаса фаолияти учун зарур бўлган тиббий, физиотерапия ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш назарда тутилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ўн кун муддатда мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш мақсадида тегишли ҳоким ва унинг ўринбосарларини «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларига бириктирсин;

бир ой муддатда Агентлик билан биргаликда ҳар бир тиббий-ижтимоий муассасадаги шароитни ўрганиб, қўшимча бино қуриш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш, ногиронлиги бўлган шахслар учун кўтариш платформалари билан таъминлаш, кутубхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фондини бойитиш юзасидан ҳудудий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин ва ижросини таъминласин;

уч ой муддатда тегишли бинолар (хоналар), мебель, компьютер техникаси ва алоқа воситаларини ажратиш йўли билан Агентлик барча бўлимларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланишини таъминласин;

Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 майга қадар «Саховат»

интернат уйлари ҳамда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларнинг ҳар бирини саёҳатга мўлжалланган автобуслар билан таъминлаш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан зарур маблағлар ажратсин;

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда туроператорлар ва турагентлар билан шартнома тузган ҳолда мунтазам равишда «Саховат» интернат уйларидаги кексаларнинг республикамиздаги диққатга сазовор жойлари ва зиёратгоҳларга ташрифларини уюштирсин;

тиббий-ижтимоий муассасаларни 2021 — 2024 йилларда босқичма-босқич зарур тиббий ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

даврий равишда ўйда яшовчи, ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз кексалар ва фахрийлар ҳолидан хабар олиш ҳамда уларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш чораларини кўрсин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида:

Агентлик ва Молия вазирликлари билан биргаликда бир ой муддатда замонавий физиотерапия бўлими ташкил этилишини ҳамда муассасада мавжуд тиббий ускуна ва жиҳозлар янгиланишини;

2021-2022 йилларда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун янги бино қурилишини ва ушбу муассасага туташ ҳудудда Нуронийлар истироҳат боғи ташкил этилишини таъминласин.

11. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси икки ой муддатда «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказлари ҳудудларида манзарали ва мевали дарахтлар экилиши, кўкаламзорлаштирилиши ва ободонлаштирилишини таъминласин.

12. Агентлик уч ой муддатда:

а) тиббий-ижтимоий муассасаларда қўшимча ва ёрдамчи функциялар (таом тайёрлаш, кир ювиш, тозалаш, техник хизмат кўрсатиш, ахборот-коммуникация таъминоти ва бошқалар) «аутсорсинг» хизмати орқали амалга оширилишини жорий этиш тартибини тасдиқласин;

б) тиббий-ижтимоий муассасаларда пуллик хизмат кўрсатиш тартибини тасдиқласин, бунда:

«Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларида шартнома асосида пуллик тиббий-ижтимоий хизматнинг кундузги қатнов ҳамда интернат тизими (хафтасига 6 кунгача келиш) ташкил этилиши;

тиббий-ижтимоий муассасаларда кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг 2 фойзи миқдоридagi маблағларни Агентликнинг бюджетдан ташқари ҳисобварақасига йўналтириш тартиби назарда тутилсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) тиббий-ижтимоий муассасаларда ишловчи врач ва ўрта тиббиёт хо-

димларининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари ва тиббиёт марказларида бепул малакасини оширишни таъминласин;

б) тиббий-ижтимоий муассасалар ходимларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида бепул тиббий кўрикдан ўтказсин;

в) Агентлик билан биргаликда бир ой муддатда тиббий реабилитация тизимини тубдан яхшилаш ҳамда «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказиш ва соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

Бунда, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларида яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлик кўрсаткичларини алоҳида дастур асосида мунтазам равишда баҳолаб бориш, уларни ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларига бириктириш, бепул даволаш ва соғломлаштиришни йўлга қўйиш назарда тутилсин;

г) Агентлик билан биргаликда икки ой муддатда «Мурувват» интернат уйларида яшовчи беморлар учун олинган дори воситаларини қайта кўриб чиқиб, уларнинг рўйхатини тасдиқласин.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2021 — 2024 йилларда туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимларида ишловчи ижтимоий ходимларнинг олий маълумот олиши учун республика олий таълим муассасаларида мақсадли квоталар ажратилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ва Агентликнинг 2021 йил май ойидан бошлаб «Саховат» интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили бир марта Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан санаторийларда бепул соғломлаштиришни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

16. Агентлик Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан биргаликда:

бир ой муддатда «Саховат» интернат уйларида яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни 2021 йилда санаторийларда соғломлаштириш жадвалини;

ҳар йили 1 октябрга қадар кейинги йил учун «Саховат» интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни санаторийларда соғломлаштириш жадвалини тасдиқласин.

17. Тиббий-ижтимоий муассасаларга тиббиёт муассасалари, ўрта, профессионал ва олий таълим муассасалари 3-иловага\* мувофиқ бириктирилсин.

18. Агентлик икки ой муддатда:

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим мактаблари 10-11-синф ўқувчилари, профессионал ва олий таълим муассасаларининг талабалари ва ёшларнинг бириктирилган тиббий-ижтимоий муассасаларда

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«икки авлод» учрашувларини ташкил этиш, улар билан турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, таълим муассасаларида ўтказиладиган «кексалар маърифати» соатига таклиф қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бириктирилган тиббий-ижтимоий муассасаларда ҳудудий тиббиёт муассасалари ва республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари шифокорлари томонидан кўриклар ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш;

Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси билан биргаликда тиббий-ижтимоий муассасаларда концерт дастурлари, маънавий-маърифий, маданий тадбирларнинг йил давомида ўтказиб борилиши юзасидан режа-жадвални тасдиқласин ва ижросини ташкил этсин.

19. 2021 йил 1 апрелдан бошлаб Агентлик тизимидаги «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларида яшовчиларнинг сонидан қатъи назар 1 нафардан кутубхоначи штат бирлиги жорий этилсин.

20. Агентлик:

а) Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари кутубхоналарини компьютер техникаси ва бошқа турдаги оргтехника, мебель, шу жумладан махсус мебель ҳамда тегишли кутубхона ускуналари билан жиҳозлаш бўйича талабларни тасдиқласин.

Бунда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатиш учун ўқув залларини махсус компьютер жиҳозлари ва бошқа қўшимча воситалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилсин;

б) 2021 йил якунига қадар Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари кутубхона фондларини миллий ва жаҳон адабиётининг 100 та энг яхши асарлари (бестселлерлари), даврий нашрлар (газета ва журналлар) билан таъминласин;

в) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, «Саховат» интернат уйлари кутубхоналарининг Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланишини ва улар учун Миллий кутубхона электрон ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминласин.

Белгилансинки, Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари кутубхона фондларини тўлдириш, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ушбу мақсадлар учун ажратиладиган бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар доирасида амалга оширилади.

21. Агентлик Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг йиллик иш режасини тасдиқласин ва ижроси мониторингини олиб борсин.

22. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари босма ва электрон ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг кўламда ёритиб борилишини таъминласин.

23. Ушбу Фармонда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш юзасидан:

Агентлик директори зиммасига — тиббий-ижтимоий муассасаларни ривожлантириш, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш таъминланиши учун;

Соғлиқни сақлаш вазири А. Хаджибаев зиммасига — тиббий-ижтимоий муассасаларда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни соғломлаштириш ишлари ташкил этилиши учун;

Халқ таълими вазири Ш. Шерматов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири А. Тошқулов ва Ёшлар ишлари агентлиги директори А. Саъдуллаев зиммасига — тиббий-ижтимоий муассасаларда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳолидан хабардор бўлиш ва ёш авлодни кексаларга нисбатан ғамхўрлик руҳида тарбиялаш ташкил этилиши учун;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига — тиббий-ижтимоий муассасалар қурилиши ва реконструкция қилиш ишлари сифатли ва ўз вақтида бажарилиши, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ва уларнинг худудлари ободонлаштирилиши, кексаларнинг юртимизнинг диққатга сазовор жойларига ва зиёратгоҳларга мунтазам ташрифлари уюштирилиши учун шахсий масъулият юклансин.

24. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

25. Ушбу Фармоннинг ўз вақтида ва натижали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

Мазкур Фармон ижроси 2021 йил август ва 2022 йил январь ойларида кўриб чиқилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 25 март,  
ПФ-6195-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**123 Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида\***

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида:

1. Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб қўйидагилар белгилансин:

хар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

ҳудудларда жиноятчилик ахволдан келиб чиқиб, хар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

«республика — вилоят — туман — маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

2. Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қўйи бўғини ҳисобланади;

маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилади;

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 мартда эълон қилинган.

маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланади.

Ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов ва Миллий гвардия қўмондони Р.М. Жўраев:

Тошкент шаҳар ҳоқими билан биргаликда уч ой муддатда пойтахтда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг фаолиятини янги талабларга кўра намунавий тарзда ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда жорий йил якуни бўйича Тошкент шаҳридаги маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятдан келиб чиққан ҳолда республиканинг бошқа ҳудудларида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

3. Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart маҳалла» ахборот дастури ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси (О.М. Умаров) ва Ички ишлар вазирлиги (Н.С. Тураходжаев) мазкур ахборот дастурини 2021 йил 1 июнга қадар Тошкент ва Самарқанд вилоятларида, жорий йилнинг якунигача эса республиканинг бошқа ҳудудларида ишга туширсин.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) бир ой муддатда вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳар ой якуни бўйича аҳолига Интернет тизимидаги ахборот ресурслари орқали ҳудуддаги криминоген вазият юзасидан «профилактик-огоҳлантирувчи мурожаат» қилиб бориш амалиётини жорий этсин.

4. Туман ва шаҳар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

Тошкент шаҳридаги 24 та ички ишлар бўлимлари ва айрим тузилмаларининг раҳбарлик лавозимлари мақбуллаштирилиб, бўшатилаётган штат бирликлари пойтахт ички ишлар органларининг профилактика ва тергов-тезкор тузилмаларини кучайтиришга йўналтирилсин;

жойлардаги криминоген ва ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, туман ва шаҳар ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилмаларини шакллантириш ва мунтазам ўзгартириб бориш тартиби жорий этилсин;

туман ва шаҳар пробация бўлинмалари тегишинча туман ва шаҳар ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, пробация ҳисобига олинган шахсларни кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик механизмлари белгилансин.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов):

бир ой муддатда Тошкент шаҳри тажрибасига асосан республиканинг барча ҳудудларидаги ички ишлар бўлимлари (бўлинмалари)ни ва айрим

тузилмаларининг раҳбарлик лавозимларини мақбуллаштириш ҳамда бўшайдиган штат бирликларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига йўналтириш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда мазкур Фармон билан белгиланаётган талабларни инобатга олган ҳолда ҳудудий ички ишлар органларининг янги ташкилий-штат тузилмалари бўйича таклифлар киритсин.

5. Ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида:

а) қўйидагилар ташкил этилсин:

Жиноят қидирув бош бошқармаси, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси, Тезкор-қидирув ҳамкорлиги бошқармасини ўз ичига оладиган Тезкор-қидирув департаменти;

Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган Жамоат хавфсизлиги департаменти;

Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси, Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармасини ўз ичига оладиган Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти;

Кадрлар бош бошқармаси, Маънавий-маърифий ишлар бошқармаси, касбий тайёргарлик бошқармасини ўз ичига оладиган Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти.

Белгилансинки, ички ишлар вазирининг ўринбосарлари ташкил этилаётган тегишли департаментларнинг бевосита раҳбарлари ҳисобланади ва уларнинг зиммасига департаментларга қўйилган вазифаларнинг самарали амалга оширилиши бўйича шахсий жавобгарлик юкланади;

б) Жазони ижро этиш бош бошқармаси Ички ишлар вазирлиги ҳузурдаги Жазони ижро этиш департаменти (кейинги ўринларда — Жазони ижро этиш департаменти) этиб қайта ташкил этилсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Жазони ижро этиш департаменти бевосита ички ишлар вазирига бўйсунди ва вазирнинг зиммасига ички ишлар органларининг жиноий жазоларни ижро этиш тизимини ривожлантириш ва унда қатъий интизомни таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юкланади;

ички ишлар органларининг барча тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал бўйсунувидан чиқарилиб, Жазони ижро этиш департаменти бўйсунувига ўтказилади;

тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда кунлик назоратни олиб бориш Жазони ижро этиш департаменти тизимида ташкил этиладиган 6 та минтақавий мувофиқлаштириш марказлари томонидан амалга оширилади.

6. Ҳудудий ички ишлар органларининг тузилмаси ва раҳбар лавозим-



ларини мақбуллаштириш орқали мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

а) қўйидаги лавозимлар тугатилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари бошлиқларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари;

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари бошлиқларининг ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси (бўлими) бошлиғи;

вилоят ички ишлар бошқармаси (бош бошқармаси) бошлиқларининг пробация ва жазони ижро этиш масалалари бўйича ўринбосари;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари бошлиқларининг ўринбосари — Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи лавозими жорий этилсин ва қўйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

патруль-пост ва йўл-патруль хизмати бўлинмалари фаолиятини, шунингдек, маҳаллалар ва жамоат жойларида манзилли профилактик тадбирлар ўтказилишини мувофиқлаштириш;

муқаддам судланган ва пробация ҳисобига олинган шахслар билан ишлаш ҳамда ички ишлар органларининг тунги хизматини ташкил этиш.

Ички ишлар вазири ўринбосари А.И. Икромов зиммасига жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги жорий этилаётган бошқарув тизимини самарали йўлга қўйиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқий статистикани юритишни такомиллаштириш, унинг криминоген вазиятни таҳлил қилиш ва жиноятчилик динамикасини прогноз қилишдаги ролини ошириш тўғрисидаги қўйидаги тақлифлари маъқуллансин:

а) Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларини (кейинги ўринларда — Ҳуқуқий статистика маркази) ташкил этиш ҳамда қўйидагиларни унинг асосий вазифалари этиб белгилаш:

жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар статистикасини юритиш, жиноятчилик ҳолатини, шу жумладан ҳудудлар ва ҳуқуқбузарликлар турлари кесимида статистик таҳлилни амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этишда фойдаланиш учун тезкор-маълумотлар ҳисоблари, ички ишлар органларининг архив-маълумотлари ва махсус фондларини юритиш, шунингдек, шахсларнинг қидирувини эълон қилиш жараёнини таъминлаш;

автотранспорт воситалари, фуқаровий ва хизмат ўқотар қуроллари, қидирувдаги шахслар ва ашёлар, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигига кўмаклашувчи бошқа маълумотлар бўйича автоматлаштирилган ахборот банкани юритиш.

Белгилансинки:

Хуқуқий статистика маркази Ички ишлар вазирлиги Тезкор-маълумотлар бошқармаси негизида, шунингдек, Бош прокуратуранинг Жиноий-хуқуқий статистика бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари тугатилиб, унинг вазифалари ва 120 та штат бирликлари, уларни сақлаш учун кўзда тутилган Давлат бюджети маблағлари билан биргаликда ички ишлар органларига ўтказилиши ҳисобига ташкил этилади;

ички ишлар вазирининг ахборот технологиялари бўйича ўринбосари Н.С. Тураходжаев зиммасига Хуқуқий статистика маркази фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш ва мазкур соҳада инсон омилини истисно этишни таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юкланади;

б) Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар марказини (кейинги ўринларда — Илмий-амалий тадқиқотлар маркази) ташкил этиш ва қуйидагиларни унинг асосий вазифалари этиб белгилаш:

криминоген вазиятни чуқур таҳлил қилиш, жиноятларнинг содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш, мавжуд куч ва воситаларни самарали тақсимлаш бўйича таклифларни киритиш;

ҳудудлар кесимида криминоген вазиятни барқарорлаштириш чораларининг самарадорлигини илмий жиҳатдан баҳолаш ва уларни ўтказиш тактикасини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг сифатини ошириш бўйича тавсия ва ишланмаларни амалиётга жорий этиш.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Илмий-амалий тадқиқотлар маркази ички ишлар органларининг мавжуд штатлари доирасида 20 та штат бирликларидан иборат таркибда шакллантирилади ва унинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун масъул этиб бевосита ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов белгиланади;

Илмий-амалий тадқиқотлар маркази томонидан ишлаб чиқиладиган жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифларни амалиётга жорий этиш ички ишлар органлари раҳбарлари зиммасига юкланади.

8. Ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «йўл харита») 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин ва қуйидагилар унинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

замонавий таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий ўзгартиришларни амалга ошириш;

маънавий-маърифий ишларнинг самарали механизмларини жорий этиш, шунингдек, малакали кадрларни узлуксиз тайёрлаш тизимини яратиш;

ички ишлар органлари фаолиятига рақамли ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш;

ички ишлар органлари ходимлари ва улар оила аъзоларининг ижтимоий-хуқуқий ҳимоясини ҳамда маиший шароитларини яхшилаш.

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Ички ишлар вазирлиги:

бир ҳафта муддатда ички ишлар органлари фаолиятини мазкур Фармонга асосан ташкил этиш механизмларини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

бир ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда Жамоат хавфсизлиги концепцияси, Ички ишлар органлари тизимига ахборот технологияларини жорий этиш концепцияси ва Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси лойиҳаларини киритсин;

икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига «Энг яхши ҳудудий ички ишлар органи бошлиғи», «Энг яхши профилактика инспектори», «Энг яхши терговчи», «Энг яхши тезкор ходим» наминациялари бўйича ҳар йили республика танловини ўтказиш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

уч ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчаларни қонунчилик ҳужжатларига киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов белгилансин.

Мазкур Фармоннинг ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июль ва 2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 26 март,  
ПФ-6196-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 26 мартдаги  
ПФ–6196-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5005-сон Фармонининг 3 — 5-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги «Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5566-сон Фармонида:

1-банд, 7-банднинг «а» кичик банди, 9 ва 10-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

6-банднинг учинчи хатбошисида «Бош прокуратура» сўзлари «Ички ишлар вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг иккинчи хатбошисидан «Бошқарма билан биргаликда» сўзлари чиқариб ташлансин;

12-банднинг учинчи хатбошисидаги «Тезкор-маълумотлар бошқармаси» сўзлари «Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ПФ–5019-сон Фармони 4-бандининг бешинчи хатбошисидаги «4 165 ва «1 071» рақамлари тегишинча «4 195» ва «1 031» рақамлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**124 Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда қадимдан миллий қадрият сифатида ривожланиб келаётган кулолчилик анъаналарини асраб-авайлаш, халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, ҳар бир оила, жамоа, идора ва ташкилотларда уни кенг тарғиб этиш, халқ усталарининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, аҳолининг кенг қатламларини, айниқса ёшларни жалб этиш орқали сифатли кулолчилик маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар анъанавий ва замонавий кулолчиликни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

кулолчилик йўналишида зарур хом ашё базасини яратиш, кулолларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, қулай шартларда кредитлар ажратиш;

ҳудудларда кулолчилик анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида соҳада ихтисослашган марказлар ва галереялар ташкил этиш, кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини кенгайтириш;

кулолчилик фаолияти билан шуғулланаётган хунармандларни (кейинги ўринларда — кулоллар) ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уста-шогирд мактаблари фаолиятини тубдан такомиллаштириш орқали ёшларни соҳага кенг жалб қилиш ва шу асосда янги иш ўринларини яратиш;

соҳанинг етук намоёндалари тажрибаси асосида кулолчилик анъаналарини миллий ифтихор рамзи сифатида ҳар бир оила, хонадон, маҳалла ҳамда идора ва ташкилотларда кенг тарғиб қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикасида кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва саноат даражасига олиб чиқиш мақсадида:

2021 — 2023 йилларда кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича истиқболли режа кўрсаткичлари 1-иловага\*\* мувофиқ;

2021-2022 йилларда кулолчилик ривожланган ҳудудларда қурилиши режалаштирилган кулолчилик марказларининг манзилли рўйхати 2-иловага\*\* мувофиқ;

республика ҳудудидаги хунармандчилик марказлари, йирик савдо мажмуалари, туристик маршрутга киритилган объектлар ва бозорларда кулолчилик маҳсулотлари савдосини ташкил қилиш бўйича манзилли рўйхат 3-иловага\*\* мувофиқ;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 мартда эълон қилинган.

\*\* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари биноларида ташкил этилган шоурум, йирик шаҳарларда очилган доимий ишлаб турувчи кўргазма зали ва савдо дўконларига маҳсулот намуналари етказиб беришни йўлга қўйиш бўйича «Йўл-харитаси» 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Янгидан ташкил этиладиган кулолчилик марказларидаги турар ва нотурар жойлар учун мол-мулк ва ер солиғи ставкалари мазкур турар ва нотурар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқи кулолларга берилган ойдан бошлаб уч йил давомида 50 фоиз миқдорида ўрнатилсин.

Қўйидагилар:

«Хунарманд» уюшмасининг аъзолари хунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товар, иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган миқдорларда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан озод этилганлиги;

кишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган хунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган ижтимоий солиқнинг 50 фоизини тўлаши;

«Хунарманд» уюшмаси томонидан кулолларнинг мурожаатларига асосан бир иш кунинда рўйхатдан ўтказиш ва аъзолик гувоҳномаси бериш тизими яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси жорий йилда тижорат банклари томонидан Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида хунармандчилик учун Марказий банкнинг асосий ставкасида 500,0 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилишини таъминласин.

5. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Хунарманд» уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3393-сон қарори билан ташкил этилган «Хунарманд» уюшмаси тасарруфидаги «Craft and art» МЧЖга қўйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан 2021 йилда 5,0 миллиард сўм, 2022 йилда 5,0 миллиард сўм субсидия ажратсин:

мазкур қарорнинг 4-иловасига мувофиқ хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналар биноларида ташкил этилган шоурум, йирик шаҳарларда очилган доимий ишлаб турувчи кўргазма зали ва савдо дўконларига маҳсулот намуналари етказиб беришни йўлга қўйиш;

кулолчилик маҳсулотларини республиканинг олис ва бошқа ҳудудларидан сотиб олиш ҳамда реализация ва экспорт қилиш ишларини, шу жумладан хорижий электрон тижорат майдончалари орқали ташкил этиш;

мамлакатимизнинг туризм ривожланган туман (шаҳар)ларида фаолият олиб боровчи миллий хунармандчилик савдо дўконларини кулолчилик маҳсулотлари билан таъминлаш.

Савдо-саноат палатаси «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда «Craft

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

and art» МЧЖга ажратилган маблағларнинг мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатсин.

6. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги «Хунарманд» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 2021 йил 1 апрелга қадар уста-шогирд анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган кулолларга шогирдлар тайёрлаши, зарур хом ашё сотиб олиши ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун субсидиялар ажратиш тартибини жорий этсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қонунчиликда белгиланган чораларидан фойдаланган ҳолда кулолчиликка ўқитиш марказлари фаолиятини ривожлантириш чораларини кўрсин.

7. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган янги турмуш кураётган юз минг нафар хотин-қизларга режа бўйича кулолчилик маҳсулотлари тўпламини совға қилиш тизимини йўлга қўйсин.

Бунда, кулолчилик маҳсулотлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги «Обод ва хавфсиз маҳалла» жамғармаси маблағлари ҳисобидан таъминланиши белгилансин.

8. Давлат корхоналари, ҳокимликлар, банклар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга:

уларда фаолият олиб боровчи ходимларга Наврўз умумхалқ байрами, Мустақиллик байрами арафасида, тўй-маросим ва бошқа тадбирларда ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кулолчилик маҳсулотлари тўпламини совға тариқасида бериш;

ўзлари жойлашган бинонинг кириш қисмида маҳаллий кулолчилик маҳсулотлари намуналари бурчаги ташкил этиш тавсия этилсин.

Транспорт вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда халқаро аэропортлар «Duty free» ҳудудларида ва темир йўл вокзалларида кулолчилик ва бошқа турдаги хунармандчилик маҳсулотлари савдоси учун махсус жойлар ажратилишини таъминласин.

9. Молия вазирлиги давлат музейлари эҳтиёжидан келиб чиқиб кулолларнинг миллий қадриятларни акс эттирган муаллифлик асарларини сотиб олиш учун зарур бўладиган маблағларни 2021 йилда ажратсин ҳамда 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутсин.

10. Вазирлик, идоралар, тижорат банклари ҳамда давлат корхоналарига 2022 йил 1 сентябрга қадар кулоллар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали кулолчилик маҳсулотларини харид қилишга рухсат берилсин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда вазирлик ва идоралар, банклар, давлат корхоналарининг кулолчилик маҳсулотларини харид қилиш юзасидан режа графигини тасдиқласин.

«Хунарманд» уюшмаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали операторлари билан биргаликда Электрон кооперация портали ҳамда давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига уч ойда 20 тагача, йил якунига қадар камида 50 нафар кулолларни жалб қилиш юзасидан чоралар кўрсин.

11. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг Фарғона вилояти Риштон туманида ташкил этилган «Халқаро кулолчилик маркази» ҳудудида кулоллар учун қурилган хонадонларни улар томонидан сотиб олиш мақсадида:

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан хонадонлар қийматининг 50 фоизи миқдоридида кулолларга бошланғич бадалсиз, фақат мазкур хонадонлар гарови остида 20 йил муддатга, 3 йил имтиёзли давр билан, Марказий банкнинг асосий ставкасида ипотека кредитларини ажратиш;

хонадонлар қийматининг 50 фоиз миқдорини «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан қоплаб бериш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Ушбу маблағлар «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг харажатларига олиб борилсин ва фойда солиғини ҳисоблашда чегириб ташлансин.

12. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Фарғона вилояти Риштон туманида қуриладиган кулолчилик марказларининг ташкил этилишини молиялаштириш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБга субординар қарз сифатида 20 йил муддатга, 5 йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида 5 фоиз пункт паст бўлган йиллик фойзда 100,0 миллиард сўмгача ресурс маблағлари ажратсин.

Белгилансинки, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ажратилган маблағлар ҳисобидан:

Риштон туманида яна 3 та кулолчилик марказини қуриш мақсадида Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан танлаб олинган ташаббускорларга — Марказий банкнинг асосий ставкасида кредитлар;

қуриб битказилган марказлардаги хонадонларни сотиб олиш мақсадида кулолларга — бошланғич бадалсиз, фақат мазкур хонадонлар гарови остида 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида ипотека кредитлари;

мамлакат ички бозорида ишлаб чиқарилган кулолчилик маҳсулотларини харид қилиш учун аҳолига — 3 йил муддатга таъминотсиз Марказий банкнинг асосий ставкасида истеъмол кредитлари ажратилади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ 2021-2022 йилларда қурилиши режалаштирилган кулолчилик марказларини ташкил этиш учун зарур бўлган бўш ер майдонларини ташаббускорларга икки ой муддатда ажратиб берсин;

Энергетика вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ билан биргаликда кулолчилик марказлари фойдаланишга топширилгунга қадар уларни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш «Худудий



электр тармоқлари» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ ва маҳаллий бюджетнинг кўшимча маблағлари ҳисобидан амалга оширсин.

14. «Ўзбекистон почтаси» АЖ бир ой муддатда кулолчилик маҳсулотларини хорижий давлатларга почта жўнатмаси сифатида жўнатишда амалда белгиланган тариф ставкаларига 50 фоизгача чегирмалар тақдим этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

15. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда уч ой муддатда кулолчилик маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда сотиш ва сотиб олиш юзасидан ягона платформанинг ишга туширилишини таъминласин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда кулолларга маркетинг соҳасида доимий амалий ёрдам кўрсатсин ва уларнинг маҳсулотлари электрон тижорат (E-commerce) йўналишида кенг қўлланиладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғи веб-сайтлари орқали сотилишида зарур ташкилий ишларни йўлга қўйсин.

16. Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти, Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда:

кулолчиликда ишлатиладиган тупроқ турлари захиралари мавжуд ерларнинг манзилли рўйхатини шакллантирсин;

кулоллар учун зарур тупроқ турлари карьерларидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Хунарманд» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ва Бадий академия билан биргаликда бир ой муддатда «Энг моҳир кулол» шиори остида кўргазма-танловни ўтказиш бўйича тартиб ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Анъанавий кулолчилик санъати усталари, санъатшунослар, археологларни жалб қилган ҳолда кулолчиликни чуқур илмий ўрганиш, халқаро кулолчилик гильдиялари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда жаҳон талабларига мос сифатли маҳсулотлар тайёрлашни тарғиб қилиш мақсадида Хунарманд уюшмаси қошида «Анъанавий кулолчилик усталари Кенгаши» ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

18. Маданият вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда тарихий обидаларни таъмирлаш ишларига кулол (кошинпаз)ларни кенг жалб қилиш чораларини кўрсин.

19. Фарғона вилояти ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси икки ой муддатда:

Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва

Бадий академия билан биргаликда Риштон шаҳрида «Халқаро кулолчилик фестивали» ҳамда фестиваль доирасида «Анъанавий кулолчиликни сақлаш ва уни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар» мавзусида илмий-амалий конференцияни ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Риштон туманида ташкил этиладиган кулолчилик марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида логистика маркази ва лаборатория ташкил этиш ҳамда кластер тизимини жорий қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, «Хунарманд» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари кулолчилик маҳсулотларини кенг тарғиб қилишда шахсан масъул эканлиги белгилансин.

Бунда:

ўзбек миллий анъанавий кулолчилик тарихи, унинг таниқли намояндлари ижодий фаолиятини ёритиш ҳамда кенг тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп асарларни яратиш, нашр этиш ва ҳужжатли фильмлар ишлаш;

кулолчилик тарихи ҳамда бугунги ривожини кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш;

ҳудудларда кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда улар миллий ифтихор рамзи сифатида ҳар бир хонадонга кириб боришини таъминлаш юзасидан тарғибот олиб бориш;

дунёнинг етакчи оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистондаги анъанавий кулолчиликка кўрсатилаётган эътиборни кенг ёритиш, ушбу йўналишдаги реклама роликларини тайёрлаш ва намойиш этиш билан хорижий туристлар оқимини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

Мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, марказларнинг ташкил этилиши билан боғлиқ амалга оширилаётган ишлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4539-сон қарори 9-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«АТ Халқ банки, «Микрокредитбанк» АТБ ва «Агробанк» АТБ ушбу манбалар ҳисобидан «Хунарманд» уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хом ашё материалларини харид қилиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари, «уста-

шогирд» мактабларини ташкил этиш, уй-музейи ва устахоналар куриш ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш учун 36 ойгача муддатга ҳамда айланма маблағларини тўлдириш учун 18 ойгача муддатга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошмайдиган ҳолда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 бараваригача, Уюшманинг Тошкент шаҳрида фаолият юритадиган аъзоларига эса, истисно тариқасида, базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 000 бараваридан ошмайдиган миқдорда кредитлар ажратсин».

22. Савдо-саноат палатаси «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

### **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 23 март,  
ПҚ-5033-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

### **125 Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга ўзгар- тиришлар киритиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округлари қўшинларининг жанговар таркибини янада такомиллаштириш, шунингдек, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президен-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 мартда эълон қилинган.

ти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 23 март,  
ПҚ-5035-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 23 мартдаги  
ПҚ-5035-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий  
хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга  
қиритилаётган ўзгартиришлар**

1. 92-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 146-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«146. Контракт бўйича ҳарбий хизматчини командирнинг (бошлиқнинг) ихтиёрига ўтказиш ҳамда тегишли тўловларни тўлаш қўйидаги ҳолатларда ва муддатларга амалга оширилади:

а) ташкилий-штат тадбирлари ўтказилиши ёки бошқа лавозимга тайинланганлиги муносабати билан лавозимдан бўшатиладиган — икки ойдан кўп бўлмаган муддатда.

Бунда ҳарбий хизматчига қўйидаги тўловлар амалга оширилади: ҳарбий унвон маоши, охириги эгаллаб турган асосий лавозими бўйича лавозим маоши, хизмат йиллари учун устама, махсус моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан устама (15 фоизгача), бир йўла тўланадиган пул таъминоти, қонунчиликда белгиланган тартибда озиқ-овқат паёғи учун компенсация пули ва турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун пул компенсацияси;

б) бир ойдан ортиқ вақт давомида бедарак йўқолганида — ҳарбий хизматчи ҳарбий қисмга қайтгунича (агарда унинг ҳарбий хизматни давом эттириши тўғрисида бошқа қарор қабул қилинмаган бўлса) ёки унинг бедарак йўқолган деб тан олингани ёки вафот этган деб эълон қилингани тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга кирган кунга қадар (ўша кунни ҳам қўшиб ҳисоблаганда).

Бунда пул таъминоти ҳарбий хизматчининг охириги эгаллаб турган асосий лавозими бўйича, ҳарбий хизматчи ҳарбий қисмга қайтгунича (агарда

унинг ҳарбий хизматни давом эттириши тўғрисида бошқа қарор қабул қилинмаган бўлса) ёки унинг бедарак йўқолган деб тан олингани ёки вафот этган деб эълон қилингани тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга кирган кунга қадар (ўша кунни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) ҳарбий хизматчига (унинг оила аъзоларига) ўн икки ойдан ошмаган муддатда тўлиқ тўланади;

в) ҳарбий хизматчи асирда ёки гаров сифатида ушланган ҳолларда — асирда бўлган ёки гаров тариқасида ушлаб турилган бутун давр давомида.

Бунда пул таъминоти ҳарбий хизматчига (унинг оила аъзоларига) охириги эгаллаб турган асосий лавозими бўйича юқорида кўрсатилган давр учун тўлиқ тўланади (ўз ихтиёрига кўра асирда бўлган (гаров тариқасида ушлаб турилган) ёки Ўзбекистон Республикасига нисбатан жиноят содир этган ҳоллар бундан мустасно);

г) ҳарбий хизматчига нисбатан қидирув эълон қилинган кундан бошлаб.

Бунда ҳарбий хизматчига нисбатан суднинг қарори қабул қилинган кунгача пул таъминоти тўланмайди;

д) ҳарбий хизматчи бола парвариши таътилида бўлганлиги муносабати билан — ушбу таътил тугагунга қадар.

Бунда кўрсатилган даврда ҳарбий хизматчига пул таъминоти тўланмайди. Турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун пул компенсацияси қонунчиликда белгиланган тартибда тўланади;

е) ҳарбий хизматчи олти ойдан кўпроқ муддатга тайёргарлик, қайта тайёргарлик ва малака ошириш курсларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига ўқишга юборилганда қуйидаги тўловлар: ҳарбий унвон маоши, охириги эгаллаб турган асосий лавозими бўйича лавозим маоши, хизмат йиллари учун устама, махсус моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан устама (15 фоизгача), бир йўла тўланадиган пул таъминоти, қонунчиликда белгиланган тартибда озиқ-овқат паёғи учун компенсация пули ва турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун пул компенсацияси — ўқишнинг бутун муддати давомида сақланиб қолинади;

ж) суд томонидан ҳарбий хизматчини эгаллаган лавозимидан четлатиш тўғрисида ажрим чиқарилган ҳолатда — кўрсатилган ажрим бекор қилингунга ёки жиноят иши бўйича узил-кесил қарор қабул қилингунга қадар.

Бунда пул таъминотини тўлаш мазкур Низомнинг 148-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади;

з) ҳарбий хизматчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганда — қамоққа олинган кундан бошлаб ушбу эҳтиёт чораси бекор қилингунга қадар.

Бунда кўрсатилган даврда ҳарбий хизматчига пул таъминоти тўланмайди».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**126 Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги «Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги ПФ-6195-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага\*\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага\*\* мувофиқ;

туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимларининг намунавий тузилмаси 4-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги ташкилотлар рўйхати 5-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) бошқарув ходимларининг чекланган сони 356 нафар, шу жумладан марказий аппаратида 39 нафар этиб белгилансин.

3. Агентлик директорига қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Агентликнинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмалари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари тузилмаларини тасдиқлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари бошқарув ходимларининг чекланган сонини умумий белгиланган штат бирликлари доирасида тасдиқлаш;

Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 мартда эълон қилинган.

\*\* 1 — 5-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тузилмасига қўшимча бошқарув ходимлари штат бирликларини кири-тиш.

4. Белгилаб қўйилсинки, Агентлик Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

5. Қўйидагилар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳуқумат молия ташкилотла-ри маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда, Агентлик марказий аппарати фаолияти республика бюджети маблағлари ҳисобидан, Агентлик ҳудудий бўлинмалари фаолияти маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур ту-мани, Навоий кўчаси, 12-уй манзилидаги бино ва иншоотларининг А-блоки Агентликка оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилсин.

7. Молия вазирлиги Агентликка жами тўртта, шу жумладан учта би-риктирилган ва битта навбатчи енгил автотранспорт воситаларини харид қилиш учун маблағлар ва уларни сақлаш учун лимит ажратсин.

8. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликнинг буюртманомаси бўйича уни белгиланган тартибда тегишли алоқа турлари билан таъминласин.

9. Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўрин-босари (Б.А. Мусаев) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали таш-кил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш;

Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларни замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, қўйилган вазифаларнинг самарали бажарилишини юксак профессионал даражада таъминлашга қодир бўлган малакали мута-хассислар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

10. Агентлик Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

а) Агентлик тўғрисидаги низом лойиҳасини;

б) Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларга юкланган асосий ва-зифаларни чуқур таҳлил қилиб, мавжуд камчилик ва муаммоларни барта-раф этиш, тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини самарали ташкил этишни инobatга олган ҳолда:

«Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари тўғрисидаги низом;

«Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари тўғри-сидаги низом;

«Мурувват» ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйлари тўғрисидаги низом;

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар тўғрисидаги низом;

Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати тўғрисидаги низом;

Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация маркази тўғрисидаги низом лойиҳаларини;

в) қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 25 март,  
ПҚ-5038-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**127 Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли  
жамғармасини ташкил этиш тўғрисида\***

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, кўп миллатли халқимиз ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларни кенг тарғиб қилиш, бадий ижод ва китобхонлик маданиятини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди васийлик кенгашининг:

«Ижод» жамоат фонди тасарруфидаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси, «Дўрмон» ижод уйидан фойдаланиш дирекцияси» унитар корхонаси ва «Оққум фэйз барака» шўъба корхонаси ҳамда уларга тегишли бўлган барча мол-мулк, бино ва иншоотларни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ўтказиш;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 мартда эълон қилинган.



«Ижод» жамоат фонди негизда Республика Маънавият ва маърифат маркази хузурида юридик шахс мақомисиз Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш ва иловага\* мувофиқ унинг васийлик кенгаши таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Жамғарма маблағлари қуйидаги тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилиши маълумот учун қабул қилинсин:

«Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси» асосида мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим босқичлари учун методик қўлланма, услубий тавсиялар, маънавий-ахлоқий тарбия назарияси ва методикасини бойитишга қаратилган илмий-амалий адабиётлар яратиш, уларни нашр этиш ва жойларга етказиш;

миллий меросимиз, буюк аждодларимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаларини дунё миқёсида кенг тарғиб қилишга қаратилган чоратадбирларни амалга ошириш;

соҳага «Рақамли тарғибот» тизимини жорий қилиш мақсадида IT-парклар, инновацион марказлар ва фрилансерлар билан ҳамкорликда мобиль иловалар, компьютер ўйинлари, анимацион маҳсулотлар яратиш;

жойларда маънавий-маърифий мухитни ўрганиш, ҳудудий маънавият ва маърифат кенгашлари фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган экспертлар гуруҳларини қўллаб-қувватлаш;

маънавий-маърифий соҳани, адабиёт ва китобхонликни ҳар томонлама ривожлантириш, бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш;

мамлакатимиз ва халқаро миқёсда илмий-маърифий тадбирлар, адабий анжуманлар, фестиваллар, танловлар, халқ сайиллари, адабий-муסיқий кечалар ўтказиш;

маънавий-маърифий, адабий-бадиий китоб ва плакатлар нашр этиш, замонавий тарғибот воситалари ва медиа маҳсулотлар яратиш;

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ва ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиш;

маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда соҳада фаолият кўрсатаётган тарғиботчилар малакасини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ташкил қилиш;

маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришга қаратилган янги лойиҳалар, китоб, рисола ва мақолалар, тадбирлар сценарийларини яратиш бўйича ижтимоий буюртмаларни шакллантириш ҳамда бу ишларга жалб этилган олим ва мутахассисларни моддий рағбатлантириш;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этиладиган адибларнинг ижод намуналарини, жумладан ёш муаллифларнинг биринчи китобларини нашр этиш;

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг ижодий кечаларини ўтказиш, адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган уюшма аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш;

халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий анъана ва қадриятлари тараннум этилган, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти теран бадиий ифодасини топган мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг муносиб намуналарини хорижий тилларга таржима қилиш ҳамда жаҳон ахборот тармоғида кенг тарғиб этиш;

миллий адабиётни ривожлантириш, адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилган ҳамда мамлакат ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бадиий асарлар муаллифларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда унинг таниқли аъзолари ижодий фаолиятига бағишланган веб-сайтларни яратиш ва уларни янгилаб бориш;

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва уларнинг тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

3. Қуйидагилар жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари;

вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Молия вазирлиги Жамғармага:

2021 йилда 120 миллиард сўм, жумладан Республика Маънавият ва маърифат марказига мамлакат миқёсида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш учун 10 миллиард сўм, унинг ҳудудий бўлимларига жойларда маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантириш учун 90 миллиард сўм, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 20 миллиард сўм маблағ ажратсин;

2022 йилдан бошлаб Жамғарма васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган харажатлар сметаси ва прогноз кўрсаткичларга мувофиқ маблағ ажратиб борилишини таъминласин.

5. Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси васийлик кенгаши (А.Н. Арипов):

Жамғарма даромад ва харажатлари бўйича прогноз кўрсаткичларини ҳар йили тасдиқласин;

Жамғарма зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун манфаатдор вазирлик ва идораларни жалб этсин;

Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўйича тизимли назорат қилинишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–1292-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Республика Маънавият ва маърифат маркази Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 26 март,  
ПҚ–5039-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**128 Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда. Юртимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» деган ҳаётбахш фоянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бу борада олиб борилаётган муҳим ишларга қарамасдан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар жараёнида маънавий-маърифий ислохотларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмас, халқимиз, айниқса ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаяпти, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаган.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 мартда эълон қилинган.

Мавжуд муаммоларни ҳал этиш, маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадаги ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

эзулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш;

оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;

тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш;

эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳолининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафқуравий иммунитетини кучайтириш;

маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш;

геосиёсий ва мафқуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

2. Қуйидагилар Республика Маънавият ва маърифат марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) қўшимча вазифалари этиб белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин:

а) давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик йўналишида:

мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларнинг асосий йўналишлари бўйича давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва ишчи (эксперт) гуруҳларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва маънавий таҳдидларнинг моҳиятини ва аҳолининг турли қатламларига таъсирини ўрганиб бориш;

ёшларимиз онгига салбий таъсир этувчи, уларни ғоявий жихатдан қарам этишга йўналтирилган ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб

бориш ҳамда иродали, фидойи, ватанпарвар ва ўз мустақил фикрига эга авлодни тарбиялаш бўйича амалий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш;

давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш;

б) илмий-тадқиқот йўналишида:

маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг самарали ва таъсирчан тарғибот технологиялари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш;

маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этишга доир хорижий тажрибани ўрганиш, шунингдек, бугунги мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш;

мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизими, маҳалла ва бошқа тузилмалар кесимида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг мониторингини олиб бориш, аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган тарбия технологиялари, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

маънавий тарбия ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш, уларнинг натижалари амалиётга татбиқ қилинишини мувофиқлаштириш;

в) тарғибот-ташвиқот йўналишида:

эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишларнинг устувор йўналишларини белгилаш;

соҳалар ва ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, аниқ мақсадга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

аҳоли, айниқса, ёшларни ислом дини ва фалсафасига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш.

3. Марказнинг маънавий-маърифий, илмий-ижтимоий мавзулардаги долзарб мақолалар, жамоатчилик вакилларининг илғор фикрлари, шунингдек, мафкуравий жараёнлар таҳлили, соҳага оид янгиликларни тўплаш, тайёрлаш ва тарқатиш мақсадида «ouina.uz» электрон порталини ташкил этиш ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Портал фаолиятини йўлга қўйиш учун Марказга қўшимча 15 та штат бирлиги ажратилсин ва унинг тузилмасида Рақамли тарғибот бўлими ташкил этилсин.

Марказ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда портални ишга тушириш чораларини кўрсин.

4. Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент

шаҳар бўлимларига қўшимча 2 тадан, туман (шаҳар) бўлимларига аҳоли сони 200 мингдан ортиқ бўлганда 2 тадан, 200 мингдан кам бўлган тақдирда эса 1 тадан қўшимча штат бирликлари ажратилсин.

Белгилансинки, мазкур штат бирликлари маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг:

«Маънавият тарғиботчиси» таълим муассасаси негизида Марказ ҳузурда Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтини ташкил этиш;

«Тафаккур» ва «Маънавий ҳаёт» журналлари ҳамда «Маънавият» нашриётини Марказ тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

«Маънавият» нашриёти фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси ҳисобидан бир ой муддатда 1 миллиард сўм миқдоридан маблағ ажратилсин.

6. Қуйидагилар:

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг таркиби 1-иловага\* мувофиқ;

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ташкилий тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ;

Республика Маънавият ва маърифат марказининг тузилмаси 3-иловага\* мувофиқ;

Республика Маънавият ва маърифат марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари намунавий тузилмалари 4-иловага\* мувофиқ;

Республика Маънавият ва маърифат марказининг туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмалари 5-иловага\* мувофиқ;

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича «Йўл харитаси» 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

7. 2021 йил 1 январдан бошлаб барча умумтаълим муассасаларида ёшлар етакчиси лавозими 1 та штат бирлиги ҳисобида сақланиб келинаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Таълим ташкилотларида маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

хар бир умумтаълим муассасасида жорий этилган ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимини молиялаштириш учун 2021 йил 1 апрелдан бошлаб давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 0,5 штат бирлиги ажратилади ҳамда унинг иш ҳақи миқдори умумтаълим муассасаси олий маълумотли ўқитувчиси учун ўрнатилган базавий тариф ставкаси миқдоридан белгиланади;

давлат олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида, талабалар сонидан қатъи назар, ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор (директор ўринбосари) лавозими жорий этилади. Бун-

---

\* 1 — 6-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

да, олий таълим муассасаларида мавжуд ёшлар билан ишлаш бўйича про-ректор (директор ўринбосари) лавозими қисқартирилади.

8. Марказ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар онги ва қалбида маънавий фазилатларни юксалтириш, оила ва маҳалла-ларда ҳамжихатликни мустаҳкамлаш мақсадида барча туман ва шаҳар-ларда Маънавият ва маърифат масканини ташкил этиш тўғрисидаги так-лифи маъқуллансин.

2021 — 2023 йилларда Маънавият ва маърифат масканларини барпо этишнинг манзилли рўйхати 7-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур масканлар янги қурилишлар орқали ёки бўш турган бино-ларда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ташкил этилиши белги-лансин.

9. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таъ-лим тизимининг тегишли таълим йўналишлари ўқув режаларига бакалав-рият босқичида «Маънавиятшунослик», магистратура босқичида «Касбий маънавият» фанлари киритилишини ҳамда магистратура таълим босқичи-да «PR-менежер» мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланишини йўлга қўйсин.

10. Инновацион ривожланиш вазирлиги Марказ билан биргаликда икки ой муддатда миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар йўнали-шида илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида мақсадли фун-даментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни шакллантирсин ва белгилан-ган тартибда молиялаштирсин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Давлат активларини бошқариш агент-лиги билан биргаликда икки ой муддатда «Маърифат» тарғиботчилар жа-мияти, «Маънавий ҳаёт» ва «Тафаккур» журналлари таҳририятини жойлаш-тириш учун бино ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф кирит-син.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 8-илова-га мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 9-ило-вага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Марказ Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун-чилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшим-чалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этиш, унинг иж-роси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришга шахсий жа-вобгар этиб Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Д.М. Кенжаев белгилан-син.

---

\* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 26 март,  
ПҚ–5040-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 26 мартдаги  
ПҚ–5040-сон қарорига  
8-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ–3160-сон қарори 7-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «Марказ ходимларига» сўзлари «Марказ, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ходимларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3775-сон қарори 10-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«олий таълим муассасаларининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмаларига юкланди».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4884-сон қарори 11-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2021 йилда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ходимлари йил-



лик иш ҳақи фондининг 25 фоизига, 2022 йилдан бошлаб эса — 50 фоизига тенг миқдордаги маблағлар»;

бешинчи хатбошидан «б) умумтаълим муассасалари директорларини моддий қўллаб-қувватлаш учун» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Халқ таълими ходимларини рағбатлантириш жамғармасининг маблағлари туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ходимлари, жумладан методистлари ҳамда умумтаълим муассасалари директорларини моддий қўллаб-қувватлаш тадбирларига йўналтирилади».

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 26 мартдаги  
ПҚ-5040-сон қарорига  
9-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон қарори 5-банди ва қарорга 1 — 4-иловалар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4307-сон қарори 3 ва 10-бандлари ҳамда қарорга 2-илова.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**129 Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Сўнги йилларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ташаббусларини кенг миқёсда молиявий қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилишга йўналтирилган дастурлар (кейинги ўринларда — Дастурлар) доирасида сўнги 3 йил давомида 600 мингдан зиёд аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 15 триллион сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилган.

2021 йилда аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, маҳаллаларда ишсиз ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилиш, уларнинг ўз бизнесини ташкил этишига кўмаклашиш борасидаги тадбирларни тизимли равишда давом эттириш мақсадида:

1. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилишга йўналтирилган:

2021 йилда Дастурлар доирасида лойиҳаларни молиялаштиришнинг манбалар кесимидаги мақсадли параметрлари 1-иловага\*\* мувофик;

2021 йилда Дастурлар доирасида лойиҳаларни кредитлашнинг ҳудудлар кесимидаги мақсадли параметрлари 2-иловага\*\* мувофик маъқуллансин.

2. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М. Холхўжаев, молия вазирининг ўринбосари Қ.Х. Тапаров, Марказий банк раисининг ўринбосари А.А. Камалов (кейинги ўринларда — Дастур координаторлари):

ҳақиқий эҳтиёждан ҳамда шакллантирилган лойиҳаларнинг истиқболи ва қўшимча иш ўринлари яратишга йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда ажратилаётган ресурсларни Дастурлар, ваколатли банклар ва ҳудудлар кесимида тезкор қайта тақсимлаш бўйича ваколатли ҳисоблансин;

ажратилаётган маблағлар доирасида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурига киритилган қишлоқ ва маҳаллаларда, уларнинг ихтисослигидан келиб чиқиб, тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришни назарда тутсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 мартда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Дастурлар доирасида 2021 йил 1 апрелдан бошлаб:

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш учун аризалари Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ягона электрон платформаси орқали қабул қилинади;

кредит олишда талабгорларга «Агробанк» АТБ, АТ Халқ банки ва «Микрокредитбанк» АТБлар орасидан бирини ихтиёрий танлаб, барча дастурлар доирасида имтиёзли кредит олиш бўйича мурожаат этиш имконияти яратилади;

кредит олувчи танлаган маҳсулот етказиб берувчи (иш бажарувчи) ташкилот (кейинги ўринларда — таъминотчи) томонидан маҳсулотлар етказиб берилгандан (иш бажарилганидан) сўнг, кредит маблағлари таъминотчига ажратиб берилади;

ўзини ўзи банд қиладиган фуқароларга айрим турдаги фаолиятни амалга ошириш (қасаначилик, ҳунармандчилик, иссиқхона қуриш ва шу кабилар учун зарурий хом ашё, эҳтиёт қисм ҳамда қурилиш молларини сотиб олиш) мақсадида 5 млн сўмгача миқдорида кредит маблағлари нақд пулда берилиши мумкин;

«Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган фуқароларга ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилишини мониторинг қилиш масъулияти тижорат банклари билан бирга мос равишда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари, Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда сектор раҳбарлари, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини раислари зиммасига юклатилади.

4. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш учун:

а) Молия вазирлиги:

1,3 трлн сўм миқдоридаги маблағни ваколатли банкларнинг устав капиталини оширишга, шу жумладан «Агробанк» АТБга — 700 млрд сўм, «Микрокредитбанк» АТБга — 400 млрд сўм ва АТ Халқ банкига — 200 млрд сўм йўналтирсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунига юқоридаги топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида тегишли ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга:

ваколатли банкларга Дастур координаторларининг тақсимотига мувофиқ 1,6 трлн сўмлик кредит ресурслари ажратилишини;

АТ «Алоқабанк»ка асаларичиликни ривожлантириш учун 5 млн АҚШ доллари эквивалентида ва «Туронбанк» АТБга тадбиркорлик субъектларининг 10 сотихдан кам бўлмаган майдонларда лимончиликни ташкил этиш

лойиҳаларини молиялаштириш учун 8 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Молия вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда 2021-2022 йилларда давлат корхоналарини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар ҳисобидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратиладиган 1,6 трлн сўм кредит ресурсларини қоплаб бориш чораларини кўрсин.

Бунда, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига қопланган маблағлар миқдоридаги ваколатли банкларнинг мажбуриятлари Молия вазирлиги фойдасига қайта расмийлаштирилади.

6. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорга мувофиқ:

тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкалари, истисно тариқасида, 2022 йил 1 январга қадар Марказий банкнинг асосий ставкаси доирасида белгиланади;

тижорат банкларига кредит ресурслари Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз паст даражада ажратилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда сектор раҳбарлари Дастурлар бўйича кредитларнинг белгиланган муддатларда қайтарилишининг таъминланишида ваколатли банкларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 27 март,  
ПҚ-5041-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 27 мартдаги  
ПҚ–5041-сон қарорига  
3-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3680-сон қарори 9-бандининг «б» кичик бандида:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Микрокредитбанк» АТБ, «Агробанк» АТБ ҳамда Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банкига маблағларни «Томорқа хизмати» МЧЖни ва қишлоқ хўжалиги кооперативларини кредитлаш учун ресурслар сифатида 3 йил муддатга, шу жумладан 6 ойлик имтиёзли давр билан 2019 йилнинг 31 декабригача Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкасида, банкнинг йиллик 2 фоизлик маржасини ҳисобга олган ҳолда тақдим этиш. 2020 йил 1 январдан бошлаб маблағларни тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан 4 фоизлик бандни чегириб ташлаган ҳолда амалга оширилади»;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2020 йил 1 январдан бошлаб кредитлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида, 2022 йил 1 январдан бошлаб эса, тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда, фоиз харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш механизмини қўллаш имконияти билан берилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ–3777-сон қарорида:

а) 3, 5, 7 ва 18-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Худудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларига:

туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларининг ҳар бир оилани ўрганиш натижалари бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан ўрганиш натижалари бўйича киритилган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриб бориш, республика миқёсида ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идораларга киритиб бориш;

туман ва шаҳарларда тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун

қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш, янада қулай ишбилармонлик мухитини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларининг фаолиятини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш ва ҳар ой натижалари бўйича улар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаш;

ҳар бир туман ва шаҳарда Дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари хусусида Дастур координаторларига батафсил ахборот киритиб бориш;

тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёкида бўлган фуқароларни ушбу фаолиятга йўналтириш учун жойларга чиққан ҳолда «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари ва унинг маҳаллий шароитларга мос бўлган турлари» мавзусида ўқув машғулотларини ўтказиб, уларга аниқ ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилган турли йўналишлардаги тайёр бизнес-режаларни тақдим этиш;

ички ва ташқи бозорларни доимий равишда ўрганиб борган ҳолда барқарор ҳамда долзарб талабга эга бўлган маҳсулотларнинг рўйхати ва ҳажми юзасидан маълумотлар базасини шакллантириш, ҳар ойда янгилаб бориш ҳамда ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолига мунтазам равишда етказиб бориш ва йўналишлар бериб бориш;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган оилаларга харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий мини-технология ва бошқа ускуналарнинг тақдимотларини ўтказиш ва сотиб олишга кўмаклашиш;

кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолига касаначилик ва кичик ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмаларни ташкил этиш орқали қўшимча даромад топиш имконини яратиш;

тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш (шу жумладан, бюджет ташкилотларига) орқали уларнинг фаолиятига кўмаклашиш вазифалари юклатилсин»;

в) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «Худудий ишчи гуруҳларга:» сўзлари «Туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларига:» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларга» сўзлари «худудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 8-банднинг учинчи хатбошисидаги «Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар» сўзлари «Худудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 9-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, 2020 йил 1 январдан бошлаб кредитлар АТ Халқ банки, «Мик-

рокредитбанк» АТБ ва «Агробанк» АТБ орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси бўйича, 2022 йил 1 январдан бошлаб — тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда берилади»;

е) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Худудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари зиммасига туман ва шаҳарларда кичик тадбиркорлик субъектларининг самарадорлиги юқори, барқарор иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳаларига базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваридан ортиқ миқдорда Дастур доирасидаги ресурслар ҳисобидан имтиёзли кредит ажратишга туман (шаҳар) марказларининг қарори асосида қарор қабул қилиш вазифаси юклатилсин.

Худудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари аъзолари ўз қарори асосида имтиёзли кредит ажратилган лойиҳаларнинг тўлиқ ишга туширилиши ҳамда келгусида ушбу лойиҳаларнинг самарали ишлашини мониторинг қилсин.

Дастур координаторлари худудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларининг қарорлари асосида кредит ажратилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳолатини алоҳида назорат қилиб борсин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3856-сон қарори 6-бандининг «в» кичик банди бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2022 йил 1 январдан бошлаб — тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда ажратилади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4231-сон қарорида:

а) 1-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«имтиёзли кредитлар оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига йиллик 8 фоиз ставкада 3 — 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади. Бунда, 2020 йил 1 январдан бошлаб кредитлар АТ Халқ банки, «Микрокредитбанк» АТБ ва «Агробанк» АТБ орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида, 2022 йил 1 январдан бошлаб тижорат банклари томони-

дан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда берилади;»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Кредитлар боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш учун 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга, чорвачилик (қорамол, қўй, эчки) учун 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга сектор раҳбарлари ва туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказининг асослантирилган ва натижадорлиги аниқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолдаги хулосаси асосида берилади»;

в) 6-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М. Холхўжаев, молия вазирининг ўринбосари Қ.Х. Тапаров, Марказий банк раисининг ўринбосари А.А. Камаловлар Дастур координаторлари этиб белгилансин ҳамда уларга»;

г) 13-банддан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) 1-иловада:

биринчи хатбошидаги «Ж.А. Қўчқоров — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири, Комиссияси раиси» сўзлари «Ж.А. Қўчқоров — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири, Комиссияси раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Ш.Д. Кудбиев — Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири» сўзлари «Н.Б. Хусанов — Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «А.Я. Хайдаров — Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари «Қ.Х. Тапаров — Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «А.Р. Каримов — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири ўринбосари» сўзлари «С.М. Холхўжаев — Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «С.М. Холхўжаев — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари» сўзлари «А.А. Камалов — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4539-сон қарори 9-бандининг учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан ошмайдиган ҳолда» сўзлари «2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан ошмаган ҳолда, 2022 йил 1 январдан бошлаб, зарур ҳолларда,



фоиз харажатларининг маълум бир қисмини компенсация қилиш механизмини қўлланган ҳолда, бозор ставкаларида,» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4862-сон қарориди:

а) 5-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра «Микрокредитбанк» АТБ ва АТ Халқ банки томонидан нодавлат таълим ташкилотлари махсус сертификатини олган»;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, микрокредитлар 3 йил муддатгача 6 ойгача имтиёзли давр билан, ёшларнинг бизнес лойиҳаларига эса кредитларни қайтариш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, 7 йилгача муддатга, 3 йилгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида ажратилади»;

б) 6-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«90 млн АҚШ доллари эквиваленти, шундан 45 млн АҚШ доллари эквиваленти «Микрокредитбанк» АТБга ва 45 млн АҚШ доллари эквиваленти АТ Халқ банкига касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари курсларини муваффақиятли тамомлаб, уларнинг махсус сертификатини олган ёшлар ва хотин-қизларга кредитлар ажратиш учун 7 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз бандга паст фоиз ставкасида йўналтирилсин.

«Микрокредитбанк» АТБ ва АТ Халқ банки ушбу маблағларни мазкур қарорнинг 5-бандида кўрсатилган янгича тартибда микрокредитлаш мақсадларига йўналтирсин»;

в) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Белгилансинки, 2022 йил 1 июлдан бошлаб оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида давлат мақсадли ресурслари ҳисобидан кредитлар «Микрокредитбанк» АТБ ва АТ Халқ банки томонидан тадбиркорлик йўналиши бўйича тегишли ўқув курсларини тамомлаган шахсларга ягона микрокредитлаш дастури асосида ажратилади»;

г) 8-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. «Микрокредитбанк» АТБ ва АТ Халқ банки»;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Молия вазирлиги «Микрокредитбанк» АТБ ва АТ Халқ банки бошқарувлари таркибига ижтимоий йўналтирилган микрокредитлаш соҳасида етарли тажрибага эга бўлган хорижий малакали мутахассисларнинг жалб қилинишини таъминласин»;

д) 9-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлиги 2021 йилнинг 1 январига қадар «Микрокредитбанк» АТБ ва АТ Халқ банкининг аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича янги бизнес моделини ишлаб чиқсин ва унда қуйидагиларга эътибор қаратсин»;

е) 10-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Микрокредитбанк» АТБ ва АТ Халқ банки билан биргаликда тадбиркорлик бўйича ўқув курсларини тамомлаб ва кейинчалик микрокредит олиб фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мониторинг қилиб боришнинг ягона «рақамли» тизими жорий этилишини таъминлайди».

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ****130 Асосий дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
23 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3289*

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Асосий дори воситалари рўйхати иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 20 июлдаги 41-сон «Асосий дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3045, 2018 йил 27 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.07.2018 й., 10/18/3045/1592-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир****А. ХАДЖИБАЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 25 февраль,  
2-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 мартда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**131** «Аҳолига қонун ҳужжатларига мувофиқ бепул тиббий ёрдам кўрсатаётган стационар даволаш муассасалари учун дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
23 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1487-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ–2647-сон «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 21 июндаги 56 ва 4-сон «Аҳолига қонун ҳужжатларига мувофиқ бепул тиббий ёрдам кўрсатаётган стационар даволаш муассасалари учун дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1487, 2005 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 27-сон, 194-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 23 февраль,  
11-сон

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ХАДЖИБАЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 22 февраль,  
143-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**132** Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3281-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»-ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 29 августдаги 18/5-сон қарори (рўйхат рақами 3281, 2020 йил 31 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.08.2020 й., 10/20/3281/1242-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 25 февраль,  
3/4-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил  
25 февралдаги 3/4-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 27-бандда:

биринчи хатбошидаги «икки» деган сўз «кейинги» деган сўз билан алмаштирилсин;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 мартда эълон қилинган.

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланган вақтда ҳисоб-китоблар яқунланмаган бўлса, келишув бекор қилинган ҳисобланади.»

2. 29-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эл валютасининг қайта сотилиши сотув қунидаги талаб ва таклиф асосида шаклланадиган бозор курсида акцептсиз равишда амалга оширилади.»

3. 47-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Тижорат банклари томонидан нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкини хабардор қилиш тартибида амалга оширилади.

Нақд валюта маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганлиги тўғрисидаги хабарномалар тижорат банклари томонидан уч кун муддат давомида Марказий банкка тақдим этилиши лозим.»

4. Қўйидаги мазмундаги 47<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«47<sup>1</sup>. Тижорат банклари томонидан нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш Марказий банкнинг рухсати асосида амалга оширилади.»

5. 48-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. Марказий банкнинг рухсатини олиш учун тижорат банклари Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга мўлжалланган валютанинг тури, унинг суммаси, валюта маблағлари қайси давлатга олиб чиқилиши, хорижий банкнинг номи, нақд валюта маблағларини олиб чиқиш мақсадлари кўрсатилган аризани Марказий банкка тақдим этади.»

6. 49-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49. Тижорат банкларининг нақд валюта маблағларини олиб чиқиш учун мурожаати Марказий банк томонидан уч банк иш қунидан ошмаган муддатда кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижалари бўйича тижорат банкларига нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш учун рухсат берилади.

Тижорат банкларига нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш учун рухсат беришни рад қилиш фақат тижорат банкларининг мурожаати мазкур Қоидаларнинг 48-бандида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда амалга оширилади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**133** Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартиби, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 925-5*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги 700-сон «Божхона йиғимлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Раис**

**М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 25 февраль,  
01-02/8-11-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил  
25 февралдаги 01-02/8-11-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 2000 йил 31 мартда 02/8-18-сон билан тасдиқланган Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартиби (рўйхат

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 мартда эълон қилинган.

рақами 925, 2000 йил 11 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 9-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 28 сентябрдаги 01-02/8-21-сон «Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 925-1, 2010 йил 18 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 367-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 26 январдаги 01-02/8-03-сон «Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 925-2, 2014 йил 4 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 6-сон, 71-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 10 февралдаги 01-02/8-11-сон «Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартибига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 925-3, 2015 йил 16 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 7-сон, 82-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 31 мартдаги 01-02/8-20-сон «Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартибининг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 925-4, 2016 йил 11 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 150-модда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**134** «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1126-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон «Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 мартдаги 74-сон «Уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 24 февраль,  
3/3-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2021 йил  
24 февралдаги 3/3-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2002 йил 16 мартдаги 6/1-сон «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1126, 2002 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002., 8-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2002 йил 26 декабрдаги 28/19-сон «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1126-1, 2003 йил 31 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003., 1-2-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 16 августдаги 20/3-сон «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1126-2, 2006 йил 25 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 34-35-сон, 354-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 25 апрелдаги 11/3-сон «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1126-3, 2015 йил 4 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 18-сон, 221-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 29 июлдаги 18/2-сон «Тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1126-4, 2017 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 965-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 21 декабрдаги 31/8-сон «Тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қарори (рўйхат рақами 1126-5, 2020 йил 24 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.01.2020 й., 10/20/1126-5/0080-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**135** **Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва (ёки) божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартибини тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3290*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги 700-сон «Божхона йиғимлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва (ёки) божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Раис**

**М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 25 февраль,  
01-02/8-10-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил  
25 февралдаги 01-02/8-10-сон қарорига  
ИЛОВА

**Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган  
жойлардан ташқарида ва (ёки) божхона органларининг  
белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона  
расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона  
йиғимларини ундириш  
ТАРТИБИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Тартиб божхона органлари томонидан товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва (ёки) божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Тартибда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**буюртма-наряд** — товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва (ёки) божхона органларининг иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундиришда божхона органлари томонидан расмийлаштирилган электрон шаклдаги ҳужжат;

**манфаатдор шахс** — товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва (ёки) божхона органларининг иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказиш учун мурожаат қилган шахс;

**божхона йиғими** — товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва (ёки) божхона органларининг иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун ундирилган йиғим;

**қайта юклаш операцияси** — божхона назорати остидаги товарларни битта транспорт воситасидан бошқа транспорт воситасига ёки ушбу транспорт воситасига қайта юклаш (транспорт воситаси юкхонасини очмасдан қайта юклаш бундан мустасно);

**божхона расмийлаштируви учун белгиланган жойлар** — божхона расмийлаштирувини амалга ошираётган ходим хизмат олиб борадиган божхона пости ва унга бириктирилган божхона омбори, эркин омбор, бож олинмайдиган савдо дўкони, шунингдек, уларга бевосита туташ бўлган доимий божхона назорати зоналари;

**божхона органларининг иш вақтидан ташқари вақти** — соат 18.00 дан 09.00 га қадар бўлган вақт ҳамда дам олиш ва байрам кунлари (бундан чегара ва смена асосида иш ташкил қилинган божхона постлари мустасно);

**смена асосида иш ташкил қилинган божхона постлари** — божхона органининг буйруғига мувофиқ тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг (бундан буён матнда ДБК деб юритилади) расмий веб-сайтига жойлаштирилган божхона постлари.

## **2-боб. Божхона йиғимларини ундириш тартиби**

3. Манфаатдор шахс товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва (ёки) божхона органларининг иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказиш учун божхона органларига ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

4. Манфаатдор шахснинг мурожаати божхона пости бошлиғи ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан бир кун ичида қўриб чиқилади ва божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун ходим(лар) ажратилади.

Бунда манфаатдор шахс божхона расмийлаштирувини тезлаштириш мақсадида бир нечта ходим ажратиш юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

5. Манфаатдор шахс мурожаатига асосан божхона йиғимлари божхона органлари томонидан қуйидаги тартибда ундирилади:

а) божхона кўриги, божхона назорати остидаги товарларни декларант томонидан кўздан кечируви, қайта юклаш операцияларини амалга ошириш учун ушбу Тартибга мувофиқ буюртма-нарядни расмийлаштириш орқали (бундан энгиб бўлмас куч таъсири оқибатидаги ҳолатлар мустасно);

б) божхона юк декларациясини расмийлаштирганлик учун Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) мувофиқ БЮДнинг 47-графасига тегишли маълумотлар киритиш орқали.

Бунда божхона йиғими ҳар бир БЮД учун (БЮДнинг «Д» графасига божхона органи томонидан белги қўйилган вақт божхона органларининг иш вақтидан ташқари вақти бўлганда) ундирилади.

6. Божхона органи томонидан божхона расмийлаштируви учун бир соатдан кам бўлган вақт сарф қилинган тақдирда, божхона йиғими бир ходимнинг тўлиқ бир соат иш вақти учун ундирилади.

Агар манфаатдор шахснинг мурожаатида божхона кўриги, божхона назорати остидаги товарларни декларант томонидан кўздан кечируви, қайта юклаш операцияларини амалга ошириш учун бир нечта ходим ажратиш сўралган бўлса, божхона йиғими божхона пости томонидан ажратилган ҳар бир ходим учун тўланади.

7. Божхона йиғимлари мазкур Тартибнинг 6-бандига мувофиқ божхона органлари ғазна ҳисоб-рақамидаги манфаатдор шахснинг пул маблағлари ҳисобидан ундирилади.

8. Ҳисобланган божхона йиғимларини тўлаш учун пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, манфаатдор шахс томонидан божхона йиғимларини божхона органларига тўлиқ тўланиши таъминлангандан сўнг божхона расмийлаштируви амалга оширилади.

**3-боб. Буюртма-нарядни расмийлаштириш**

9. Буюртма-наряд ДБКнинг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида ушбу Тартибнинг иловасига\* мувофиқ шаклда электрон тарзда расмийлаштирилади.

10. ДБК манфаатдор шахсларга Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки ДБК томонидан кўрсатиладиган интерактив хизматлар орқали расмийлаштирилган буюртма-наряднинг қоғозда чоп этиш имкониятини яратади.

11. Буюртма-наряд икки қисмдан («буюртма-наряд» ва «ҳисоб-фактура») иборат бўлади.

12. Буюртма-наряд манфаатдор шахснинг божхона органларига йўлланган мурожаатида келтирилган маълумотлар асосида ахборот тизимида божхона органлари томонидан тўлдирилади. Бунда божхона расмийлаштируви учун ундирилган божхона йиғимлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

**4-боб. Яқуний қоидалар**

14. Буюртма-наряд расмийлаштирилган йилдан кейинги йилдан эътиборан уч йил давомида сақланади.

15. Ушбу Тартиб талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

16. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Келишилди:*

*Раис*

**А. ИКРАМОВ**

*2021 йил 24 февраль*

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI TASHQI IShLAR VAZIRINING  
BUYRUGHI**136** «Консуллик йиғимлари тарифини АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2264-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 декабрдаги ПКҚ–2095-сон «Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2011 йил 9 августдаги 989-сон «Консуллик йиғимлари тарифини АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2264, 2011 йил 14 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й, 37-сон, 385-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. КАМИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 25 февраль,  
63-сон

*Келишилди:*

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

*2021 йил 15 февраль*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**137** «Консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни қоплаш учун йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1273-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 декабрдаги ПҚ–2095-сон «Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2003 йил 19 августдаги СП-997 ва 92-сон «Консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни қоплаш учун йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1273, 2003 йил 18 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 йил, 17-18-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ташқи ишлар вазири**

**А. КАМИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 25 февраль,  
62-сон

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 16 февраль,  
9-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 мартда эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI TAШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**138** Консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан фойдаланиш ҳамда консуллик йиғимлари тарифини АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3291*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2013 йил 24 декабрдаги ПҚ–2095-сон «Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан фойдаланиш ҳамда консуллик йиғимлари тарифини АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ташқи ишлар вазири**

**А. КАМИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 25 февраль,  
61-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 мартда эълон қилинган.

**Молия вазири****Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 16 февраль,  
10-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи ишлар вазирлигининг 2021 йил  
25 февралдаги 61-сон ва Молия  
вазирлигининг 2021 йил 16 февралдаги  
10-сон қарорига  
ИЛОВА

**Консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ  
ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан  
йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан  
фойдаланиш ҳамда консуллик йиғимлари тарифини  
АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан фойдаланиш ҳамда консуллик йиғимлари тарифини АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**консуллик йиғимлари тарифи** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 декабрдаги ПҚ–2095-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси консуллик йиғимлари тарифига мувофиқ ўрнатилган йиғимлар миқдори;

**ҳақиқий харажатлар** — консуллик ҳаракатларини амалга ошириш вақтида консуллик йиғимларига қўшимча равишда тўланадиган йиғим миқдоридан қопланувчи Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан бажариладиган моддий харажатлар;

**Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасалари** — Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари.

2. Консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун консуллик йиғимлари, шунингдек, кўрсатилган ҳаракатлар амалга оширилганлиги билан

боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилади.

3. Ҳақиқий харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

почта, телеграф, телефон, телекс, факсимил ва модем орқали амалга оширилган алоқалар:

канцелярия молларини харид қилиш;

транспорт харажатлари;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасалари ходимларининг консуллик ҳаракати бажариладиган жойга хизмат сафарига юборилиши;

шошилич консуллик ҳаракатларини амалга ошириш;

бланкалар сотиб олиш ва тайёрлаш, шу жумладан виза бланкаси;

бошқа харажатлар (сақлаш, мулкни қидириш, сотиш ва б.).

## **2-боб. Ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимларни ундириш**

4. Ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар консуллик ҳаракатлари бажарилганда ундирилади. Бунда, йиғимлар қуйидаги миқдорлардан ошмаслиги лозим:

Ўзбекистон Республикаси визасини расмийлаштириш учун — 45 АҚШ доллари;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахснинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш учун — 20 АҚШ доллари;

фуқаролик масалалари билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш учун — 30 АҚШ доллари;

фуқароларни рўйхатга олиш учун — 25 АҚШ доллари;

ҳужжатларни легаллаштириш ва нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун — 15 АҚШ доллари;

бошқа консуллик хизматлари учун — 20 АҚШ доллари.

5. Ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғим миқдорини ҳисоблаш ҳар бир Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаси учун икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболлари, хорижий давлатдаги товарлар ва хизматларнинг қиймати ва бошқа ҳолатларни (тенглик принципи ва б.) ҳисобга олган ҳолда, бироқ мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган миқдорлардан кўп бўлмаган тарзда амалга оширилади.

Ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимнинг аниқ миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаси раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Агар ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғим мазкур Низомнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган тартибдаги йиғим миқдоридан ошиб кетган тақдирда (масалан, консуллик мансабдор шахсининг транспорт,

кунлик, уй-жой ижараси ва бошқа харажатлари), Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаси раҳбари аризачи билан келишган ҳолда ҳақиқий харажатлар ўрни тўлиқ қоплангунига қадар йиғим миқдорини ошириш ҳуқуқига эга.

6. Ариза берувчиларнинг (консуллик ҳаракатидан манфаатдор шахслар) консуллик йиғимларидан озод қилинганлиги ёки унга нисбатан камайтирилган тариф белгиланганидан қатъи назар, улардан ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғим тўла ҳажмда ундирилади.

7. Ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғим, консуллик йиғими билан бир вақтда АҚШ долларида, бошқа эркин алмаштирилдиган валютада ёки Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаси жойлашган хорижий давлатнинг миллий валютасида (миллий валюта эркин алмаштирилдиган валюта бўлмаган жойларда) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик тамойилига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан тушган йиғим маблағларининг ҳисоб-китоби консуллик йиғими сифатида тушган маблағлардан алоҳида амалга оширилади.

Ариза берувчилардан (консуллик ҳаракатидан манфаатдор шахслар) ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғим сифатида келиб тушган барча маблағлар касса кириш ордерлари ёки банк ҳужжатлари орқали расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси хорижий муассасаларининг тегишли ҳисоботларида акс эттирилади.

### **3-боб. Қабул қилинган маблағлардан фойдаланиш**

8. Консуллик ҳаракатлари амалга оширилгани учун келиб тушган ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимнинг 70 фоизи Давлат бюджетига, 30 фоизи эса Ўзбекистон Республикасининг Дипломатик хизмат органларини ривожлантириш жамғармасига (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) йўналтирилади.

9. Давлат бюджетига тааллуқли (70 фоиз) маблағлар Ўзбекистон Республикаси хорижий муассасаларининг тасдиқланган смета харажатларини молиялаштириш учун юборилади.

10. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ–3654-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмат органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом талаблари асосида амалга оширилади.

### **4-боб. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни топшириш**

11. Ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисоби йиғимидан келиб тушган 70 фоиз миқдоридagi Давлат бюджетига ўтказиладиган пул маблағ-

лари бухгалтерия ҳисоботидаги «Қуйи идоралар жорий ҳисоби», «Қуйи идоралар ғазнаси» ҳисобларида дебит, «Консуллик йиғимлари бўйича тўловлар ҳисобида кредит тарзида кўринади.

12. Ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисоби йиғимидан келиб тушган 30 фоиз миқдоридagi Жамғарма пул маблағлари бухгалтерия ҳисоботида «Қуйи идоралар жорий ҳисоби», «Қуйи идоралар ғазнаси» ҳисобларида дебит ва «Консуллик йиғимлари бўйича тўловлар» ҳисобларида кредит тарзида кўринади.

13. Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимларнинг алоҳида банк ҳисобварақасига (консуллик йиғимлари учун) келиб тушишини ҳисобга оладилар ва мунтазам равишда (бир ойда бир марта) хорижий муассасанинг асосий бюджет ҳисобидан Давлат бюджетига тегишли маблағлар ўтказилишини таъминлайди.

Жамғарма маблағлари харажатларини амалга оширишда консуллик йиғимлари ҳисоб рақамидан фойдаланилади.

14. Ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан тушган йиғимлар ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Молия-иқтисод бошқармасига чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботлар доирасида юборилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасалари томонидан консуллик йиғимлари тушиши бўйича ҳар ойлик тезкор ҳисоботлар тузилганда, алоҳида жадвалда ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан ундирилган йиғимлар кўрсатилади.

15. Ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ставкаларини тўғри қўлланилиши ва қабул қилинган маблағларнинг ишлатилиши учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасалари раҳбарлари ва бухгалтерлари зиммасига юклатилади.

### **5-боб. Консуллик йиғимлари тарифини АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш**

16. Ўзбекистон Республикасининг консуллик йиғимлари тарифига мувофиқ консуллик йиғимлари куйидаги валюталарда тўланади:

а) АҚШ долларида;

б) бошқа эркин алмаштириладиган валютада;

в) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаро тенглик тамойилларига риоя қилиш асосида хорижий муассасалар жойлашган давлатларнинг миллий валютасида (миллий валюта эркин алмаштириладиган валюта бўлмаган жойларда).

17. Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаси раҳбари томонидан консуллик йиғимлари тарифи учун тўланадиган валюта тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Консуллик йиғимлари тарифини маҳаллий валютадаги миқдорини ҳисоблаш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан кели-

шилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаси раҳбари томонидан ҳисоб-китоб курси ўрнатилади.

Ўрнатилган ҳисоб-китоб курси миқдорини белгилашда бошқа мамлакатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган консуллик йиғимлари миқдори бўйича ўзаро тенглик тамойилларига риоя қилинганлиги ва миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан курсининг ўзгариши натижасида консуллик йиғимларидан олинган даромадлар камайишининг олди олинганлиги каби омиллар инобатга олиниши лозим.

18. Консуллик йиғимлари тарифининг белгиланган курси Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаси раҳбари томонидан ҳар чоракда буйруқ билан тасдиқланади. Зарурият туғилганда белгиланган ҳисоб-китоб курси чорак мобайнида ўзгартирилиши мумкин.

19. Консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар тарифининг маҳаллий валютадаги миқдорини аниқлаш учун белгиланган ҳисоб-китоб курси хорижий муассасалар бухгалтерия операцияларини амалга оширишда қўлланилмайди.

20. Консуллик йиғимлари тарифини Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасалари жойлашган давлатларнинг миллий валюталарига нисбатан қайта ҳисоблашда ҳисоб-китоб курсининг тўғри қўлланиши учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасалари раҳбарлари ва бухгалтерлари зиммасига юклатилади.

#### **6-боб. Яқуний қоида**

21. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 25 февралдаги 2-сон «Асосий дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2021 йил 23 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3289.**

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 февралдаги 11-сон, 2021 йил 22 февралдаги 143-сон «Аҳолига қонун ҳужжатларига мувофиқ бепул тиббий ёрдам кўрсатаётган стационар даволаш муассасалари учун дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2021 йил 23 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1487-1.**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 25 февралдаги 3/4-сон «Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қондаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2021 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3281-1.**

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2021 йил 25 февралдаги 01-02/8-11-сон «Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартиби, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2021 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 925-5.**

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 24 февралдаги 3/3-сон «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида низомни

тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

*2021 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1126-6.*

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 25 февралдаги 01-02/8-10-сон «Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва (ёки) божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

*2021 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3290.*

7. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2021 йил 25 февралдаги 63-сон «Консуллик йиғимлари тарифини АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2021 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2264-1.*

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2021 йил 25 февралдаги 62-сон, 2021 йил 16 февралдаги 9-сон «Консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни қоплаш учун йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

*2021 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1273-1.*

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2021 йил 25 февралдаги 61-сон, 2021 йил 16 февралдаги 10-сон «Консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан фойдаланиш ҳамда консуллик йиғимлари тарифини АҚШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

*2021 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3291.*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг «Асосий дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3045, 2018 йил 27 июль).

*2021 йил 23 мартда давлат реестридан чиқарилди.*



2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Аҳолига қонун ҳужжатларига мувофиқ бепул тиббий ёрдам кўрсатаётган стационар даволаш муассасалари учун дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори (рўйхат рақами 1487, 2005 йил 6 июль).

*2021 йил 23 мартда давлат реестридан чиқарилди.*

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун божхона йиғимларини ундириш тартиби (рўйхат рақами 925, 2000 йил 11 май), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 925-1, 2010 йил 18 октябрь), (рўйхат рақами 925-2, 2014 йил 4 февраль), (рўйхат рақами 925-3, 2015 йил 16 февраль), (рўйхат рақами 925-4, 2016 йил 11 апрель).

*2021 йил 25 мартда давлат реестридан чиқарилди.*

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори (рўйхат рақами 1126, 2002 йил 18 апрель), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1126-1, 2003 йил 31 январь), (рўйхат рақами 1126-2, 2006 йил 25 август), (рўйхат рақами 1126-3, 2015 йил 4 май), (рақами 1126-4, 2017 йил 4 сентябрь), (рўйхат рақами 1126-5, 2020 йил 24 январь).

*2021 йил 25 мартда давлат реестридан чиқарилди.*

5. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг «Консуллик йиғимлари тарифини АКШ доллари курсига нисбатан қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғи (рўйхат рақами 2264, 2011 йил 14 сентябрь).

*2021 йил 25 мартда давлат реестридан чиқарилди.*

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Молия вазирлигининг «Консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ ҳақиқий ҳаражатларни қоплаш учун йиғимлар ундириш ва келиб тушган пул маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори (рўйхат рақами 1273, 2003 йил 18 сентябрь).

*2021 йил 25 мартда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

